

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

Тўшмурод Бўриев

КЛАССИК ШЕЪР ЎЛЧОВИ
(ўқув қўлланма)

5141100 Ўзбек тили ва адабиёти

Т О Ш К Е Н Т – 2008

Мазкур ўқув қўлланмада аруз шеър ўлчовининг муҳим хусусиятлари — тизимлилик, вазн ҳосил қилишдаги муҳим арузий ҳодисалар, «ҳижо»ларнинг хусусиятлари, «жузув»лар ва уларнинг бириктириш хоссалари, «руқналар», руқналарнинг ҳосил бўлиши ва турлари, «бахр»лар, баҳрларнинг турлари, зиҳоф ва тармоқ руқналар, уларнинг ҳосил бўлиш усуллари ва қисман рубоий вазнлари ҳақида сўз юритилади. Келтирилган мисоллар турли баҳрларга хос вазнларни қандай аниқлаш ва қайси вазн нимадан қандай келиб чиққанлигини асосли ўрганишига яқиндан ёрдам беради.

Уш бу ўқув қўлланма Олий ўқув юр்தларининг филология факультети талабалари ва барча китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори,
профессор **Ҳ. Ҳомидий (Ҳомидов).**

Тақризчилар:

1. ЎЗР ФА Алишер Навоий
номидаги Тил ва адабиёт
Институтини катта илмий
ходими ф.ф.н. **Қ. Эргашев;**

2. Республика нафис санъат
лицейи ўқитувчиси,
ф.ф.н. **Х. Аҳмедов.**

Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўқув-методик бирлашмалари мувофиқлаштирувчи кенгашининг 16.06.2007 йил 1-сон қарори билан нашрга тавсия этилган.

Муқаддима

«Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан мувофақиятли равишда олға силжишида ҳал қилувчи, таъбири жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир».¹ Маънавий баркамоллик, юксак тафаккур, фалсафа, энг эзгу ғоялар, ташбеҳли тафаккур тарзи, теран бадиий идрок минг йиллик тарихга эга бўлган безавол маънавиятимизнинг бебаҳо хазиналаридан бири мумтоз шеъриятимизда мужассамдир. Асрлар давомида шакл ва мазмун жиҳатидан беқиёс тараққий этган, жаҳон мумтоз адабиёти хазинасини янги кашфиётлар билан бойитган Шарқ шеърляти айни пайтда ўзининг бой назарий захирасига ҳам эга. Бу назарий билимлар уч мустақил соҳани ўзида қамрайди: **илми қофия** — қофия қонун-қоидалари ҳақидаги илм, **илми бадеъ** — фикрни равон, нафис ифодалаш йўллари, воситалари ҳақидаги илм. Шулардан яна бири **илми аруз** — анъанавий шеърлий шаклдаги вазн ва уларнинг қонун-қоидалари ҳақидаги илм ҳисобланади. «Мумтоз шеърлятимизга хос юксак ғоявийлик ва етук бадииятдан атрофлича баҳраманд бўлмоқ, ҳар бир ижодкор қаламининг бадиий салоҳиятини англаб етмоқ, шеърларга хос нафис оҳанглари ҳам, сўз санъатининг бетакрор назокату латофатини ҳам ҳис этмоқ учун ушбу безавол обидаларга асос бўлган аруз шеърлий ўлчов тизимининг назарий қонун-қоидалари ва амалий хусусиятларидан атрофлича хабардор бўлмоқ талаб этилади».² Шунга кўра аруз илми ўтмишда мактаб ва мадрасаларда махсус илм сифатида узлуксиз ўргатилиб келинган. Мустақиллик шарофати билан давлатимиз таълим соҳасида «Таълим тўғрисида» қонун, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Давлат таълим стандартлари»га асосланиб мамлакатимизда амалга ошираётган ислохотлар қатор имкониятларни юзага чиқармоқда.

Жумладан, «Аруз илми»ни фан сифатида олий ўқув юртлири дастурларига киритилиши ва ўқитилиши шу имкониятлар натижасидир. Фан янги бўлганлиги сабаб дарслик ва ўқув қўлланмаларга эҳтиёжнинг бўлиши табиий. Ушбу ўқув қўлланма ана

¹ И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. «Ўзбекистон» 1995. -139 б.

² А.Ҳожиаҳмедов. Ўзбек арузи луғати. Т. «Шарқ» 1998 й. 3-бет.

шу эҳтиёжни оз бўлсада тўлдиришни назарда тутади. Уни яра- тишида Бобурнинг «Мухтасар», (1971) Навоийнинг «Мезон ул ав- зон», (1967) Анвар Ҳоҗиаҳмедовнинг «Ўзбек арузи луғати» (1998) китобларидан асосий манба сифатида фойдаланилди, мисоллар- нинг аксарияти ана шу манбалардан олинган.

Аруз илми ҳам барча фанлар сингари ўзига хос мураккаблик- ларга эга, уни тўғридан-тўғри, тез орада, бутунасича ўрганиб олиш қийин, албатта. Шу сабаб қўлланмада билим ва кўникма ҳосил қилиш учун зарур деб ҳисобланган жиҳатлар — аруз шеър ўлчовининг пайдо бўлиши, назарий асослари ва энг муҳим хусуси- ятлари, жумладан «ҳижо», «жузв», «айрим арузий ҳодисалар», «рукн», «бахр»лар ҳамда қисман рубоий вазнлари қамраб олинди. Ўрганиш осон бўлишлиги учун айрим ўринларда такрорга ҳам қис- ман йўл қўйилди. Аруз шеър ўлчовидаги энг зарур ва мураккаб жараён зиҳоф ўзгаришлар билан боғлиқ жиҳатларга кўпроқ эъти- бор қаратилди. Шеъриятимизда нисбатан кўп қўлланилиб ке- линган баҳрларнинг зиҳоф ўзгаришлари мисоллар асосида берилди ва зиҳоф ўзгаришларни ёдда сақлаб қолишга осон бўлсин учун тар- тиби билан умумлаштирилди.

Шу ўринда айтмоқчи бўлганимиз яна бир фикрки, аруз шеър ўлчовининг хусусиятларидан келиб чиқилиб баъзан ўрганиш қийин деган хулосаларга ҳам келинади. Дарҳақиқат, аруз илми чиндан ҳам мураккаб, аммо ўрганишдан хориж эмас. Қолаверса, ўрга- ниб келишган ва ўрганса бўлади.

Мазкур ўқув қўлланма муаллифнинг бу борадаги илк уриниши сифатида кенг китобхонлар оммаси ҳукмига ҳавола қилинмоқда.



АРУЗ ШЕЪР ЎЛЧОВИНИНГ МУҲИМ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Режа:

1. Араб адабиётида аруз шеър ўлчовининг пайдо бўлиши, форсий ва туркий адабиётга кириб келиши.
2. Форсий ва туркий адабиётда арузшунослик илмининг пайдо бўлиши.
3. Аруз тизимидаги айрим асосий бирликлар.

1. Араб адабиётида аруз шеър ўлчовининг пайдо бўлиши, форсий ва туркий адабиётга кириб келиши.

Инсон нутқининг ўзига хос ўлчанган кўриниши шеърият-ни юзага келтирувчи омиллардан биридир. Аммо, ҳар қандай ўлчов шеърият учун мезон бўлавермайди. Шеърият учун асрлар давомида тўпланган ижодий тажрибалар асосида шаклланган ўзига хос меъёр — мезонлар мавжуд. Ҳозирда улар икки йирик шеърий тизимни ташкил қилади. Бири «**Бармоқ шеър системаси**» бўлса, иккинчиси «**Аруз шеър системаси**» бўлиб, Шарқда, хусусан классик шеъриятимизда асосий шеърий мезонлар вазифасини ўтаган. «**Бармоқ шеър системаси**» туркий халқлар шеърияти учун хос, халқ оғзаки ижодида пайдо бўлган ва шеърий мезон сифатида шаклланган. Мисраларидаги бўғинларнинг сони бармоқ билан санаб ўлчангани учун шундай ном олган. Бунда «**бўғин**», «**туроқ**», «**бош туроқ**» асосий бирликлар ҳисобланади.

Бўғин — ритм ҳосил қилувчи ва мисралар тенглигини таъминловчи бирлик.

Туроқ — мисраларда бўғинларнинг кичик пауза орқали гуруҳланиб келиши.

Бош туроқ — туроқлардан бирини бошқасига нисбатан юқорироқ оҳангда бўлишига айтилади. Мисолларга мурожаат этамиз:

6

5

Йи-гит-лар мак-ту-бин / бит-ган-да қон-дан, // = 11.

6

5

Ке-лин-лар фи-роқ-дан / чек-кан-да ё-ху, // = 11.

У-нинг ҳам па-но-ҳи / қайт-ма-ди жанг-дан, // = 11.

Ўн тўқ-қиз ё-ши-да / бе-ва қол-ди у. // = 11.

Кўринадики, мисраларда бўғинларнинг сони бир хил 11 тага тенг. Бу шеърда ўзига хос ритмни юзага келтиради. Туроқлар сони 2 та бўлиб, биринчи туроқ 6 та, иккинчиси 5 та бўғиндан ташкил топган. Шу ҳолат шеърнинг кейинги мисраларида ҳам сақланади. Акс ҳолда шеърнинг вазни ва оҳангига путур этади. Иккинчи туроқ **бош туроқ** ҳисобланади, чунки асосий мазмун устиворлиги шу сўзларга жамланган бўлиб, кучлироқ талаффузни талаб этади.

Аруз шеър системаси батамом ўзгача манзара касб этади. У бармоққа нисбатан анча мукамал ва мураккаб. Бу шеърый система дастлаб араб адабиётида пайдо бўлади. Манбаларда, хусусан Навоийнинг «Мезон ул авзон» асарида VIII асрда яшаб ижод этган араб адабиётшуносларидан бири Халил ибн Аҳмад томонидан асос солинганлиги айтилади: *«Халил ибн Аҳмад раҳматуллоҳки, бу фаннинг воизи (айтувчи)дур, чун араб эрмиш ва анинг яқинида бир водий эрмишки, ани «Аруз» дерлар эрмиш ва ул водийда аъроб уйларини тикиб, жилва бериб, баҳога кияурлар эрмиш. Ва уйни араб «байт»дер. Чун байтларни бу Фан била мезон қилиб, мавзунини номавзунидин аюрурлар, гўёки қиймат ва баҳоси маълум бўлур, бу муносабат била «аруз» дебдурлар».*¹

2. Форсий ва туркий адабиётда арузшунослик илмининг пайдо бўлиши.

Аруз шеър ўлчови IX асрнинг бошларидан форс-тожик адабиётида қўлланила бошланган. Рудакий, Дақиқий, Фирдавсий, Саважий, кейинроқ Хайём, Саъдий, Ҳофиз ва бошқалар ижодидан мустаҳкам ўрин олган. Туркий тилда яратилган «Кутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойиқ» асарларининг шу вазнда яратилганлиги Аруз шеър ўлчови XI асрдан туркий шеърятга ҳам кўчганлигини кўрсатади. Масалан, «Ҳибат-ул-ҳақойиқ»дан олинган қуйидаги байт арузнинг «мутақориб мусаммани маҳзүф» вазнида эканлигини кўрсатади:

¹ А.Навоий. Асарлар. 15 томлик, 14-том. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т. 1967. 137-бет.

Ба-ҳо-лиқ	ди-нар-ул	би-лик-лик	ки-ши,
V — —	V — —	V — —	V —
Бу-жо-ҳил	би-лик-сиз	ба-ҳо-сиз	би-ши.
V — —	V — —	V — —	V —
фа-у-лун	фа-у-лун	фа-у-лун	фа-ал

Кейинчалик аруз Рабғузӣй, Хоразмӣй, Сайфи Сароӣй, Қутб Хоразмӣй сингарилар ижодидан ҳам ўрин олиб, тобора кенгроқ кириб борганлиги кузатилади. XV аср туркий аруз ривожда алоҳида босқични ташкил этади. Сабаби, Отоӣй, Саккокий, Гадоӣй, Лутфӣй сингари туркигўй шоирлар ижодидан мустаҳкам ўрин олиб, сайқал топди.

Аруз тизими араб, форс-тожик ва туркий шеърятда бирдек қўлланилиш баробарида илмий назарий жиҳатдан такомиллашиб борди, махсус илм сифатида шаклланди, мактаб ва мадрасаларда ўргатилди, илмий тадқиқотлар қилинди, рисолалар битилди. Халил ибн Аҳмаддан кейин бир қатор араб олимлари бу илмнинг тараққиётига ҳисса қўшган бўлсалар, форс-тожик адабиётда Юсуф Нишобурий (X аср), Рашидиддин Вотвот (XIII аср) «Ҳадоӣйқ ус сеҳр», Шамс Қайс (XIII аср) «Ал-муъжам фи меъёр ашъор ал-ажам», Насриддин Тусӣй (XIV аср) «Меъёр ул-ашъор», Салмон Саважӣй (XIV аср) «Қасидатун маснуот ал-аруз», Жомӣй (XV аср) «Рисолаи аруз» асарларини яратдилар ва форс-тожик арузининг такомилли ва тараққиётига ҳисса қўшдилар.

Туркий аруз эса Алишер Навоӣй ижоди орқали синовдан ўтди ва илмий-назарий тасдиғини топди. «Мезон ул-авзон» туркий арузнинг назарий асосларига бағишлаб яратилган биринчи асар ҳисобланади. «Мезон ул-авзон»да Навоӣй «...туркий алфозга дағи мулоҳазани лозим кўрулди — оламе назарга келди, ўнсақкиз минг оламдин ортуқ анда зеб ва зийнат ...» дер экан ёзади: «Чун турк алфоз (лафз,сўз) билақим назм воқеъ бўлубтур анга зобитае(қоидй,тартиб) ва қонун йўқ эркондур ва ул фан ривожу учун кассе(киши) аруз фанида китобе ё рисолае битолмайдур... ва бу сабабдин бу илм зобитасига қалам сурулди»¹. Кейинчалик аруз илмига бағишланган бир қатор илмий-назарий асарлар

¹ А.Навоӣй. Асарлар. 15 томлик,14-том. Ғ.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т. 1967. 137-бет.

яратилди ва яратилмоқда. Бобурнинг «Муфассал» (Мухтасар), Фурқатнинг «Рисолаи аруз», (Анвар Ҳожиаҳмедов ушбу рисола ҳақида Ф.Каримов Остроумов фондидан топганлигини, аммо нашр қилинмаганлигини айтади)¹. Фитратнинг «Аруз ҳақида рисола» (1936), А.Рустамовнинг «Аруз ҳақида суҳбатлар» (1972), У.Тўйчиевнинг «Ўзбек поэзиясида аруз системаси» (1985), А.Ҳожиаҳмедовнинг «Мақтабда аруз вазнини ўрганиш» (1995), «Аруз назарияси асослари» (1982), «Ўзбек арузи луғати» (1998) А.Аъзамовнинг «Аруз» (2002) асарлари шулар жумласидандир.

3. Аруз тизимидаги айрим асосий бирликлар.

Дарҳақиқат аруз вазни мураккаб хусусиятларга эга. Уни ўрганиш учун аввало араб грфикасига асосланган эски ўзбек ёзувини билиш, кучли хотира қувватига эга бўлиш ҳамда соддан мураккабга томон поғонама-поғона ўрганиб бориш ва эсда сақлаш орқали ўзлаштириш талаб этилади. Қуйидаги тартиб аруз вазнига хос тизим ҳисобланади ва ўрганишда унга амал қилишни тақозо этади:

➤ Энг кичик бошланғич бирлик сокин ва мутаҳаррик ҳарфлардир. (Бу араб гарфикасига асосланган ёзувли асарларга хос бўлиб, ҳозирги ўзбек арузида ҳарфлар ўрнида энг кичик бирлик сифатида «ҳижо» олинади.)

➤ Ҳарфлар (ҳижо)ларнинг бирикувидан «сабаб», «ватад», «фосила» деб аталувчи йирикроқ бўлак келтириб чиқарилади, улар қисм, бўлак маъносида «жузв»лар деб аталади.

➤ Жузвларнинг ўзоро бирикувидан «рукн» келиб чиқади. Дастлаб ҳосил қилинган рукнлар 8 та бўлиб, «асллар» деб юритилади.

➤ Рукнларнинг байтда турлича такрорланишидан асосий ўлчов «баҳр»лар юзага келади.

➤ Асл рукнларнинг байтда такрорланиши жараёнидаги ўзгаришлар натижасида «зиҳоф» ёки «фуруъ»лар ҳосил қилинади.

➤ Баҳрлар таркибида ҳижолар сонининг тенглиги ҳамда яқин оҳангга эга бўлишига қараб гуруҳланади ва улар «аруз доиралари» деб юритилади.

Аруз вазнига хос муҳим хусусиятлардан яна бири вазн талабига кўра юзага келадиган ўзгарувчанликдир. Уларга вазн

¹ А.Ҳожиаҳмедов.Мақтабда аруз вазнини ўрганиш. Т. «Ўқитувчи» 1995. 8-бет.

талаби билан юзага келадиган муҳим арузий ҳодисалар сифатида қаралади:

1. **Васл** — (арабча — уланиш) чўзиқ ҳижо охиридаги товушнинг кейинги ҳижонинг олдига ўтиши.

Масалан:

Суҳ-бат-ай-лай-лик - Суҳ-ба-тай-лай-лик.

Бу-гул-шан-ич-ра - Бу-гул-ша-нич-ра.

2. **Таслим** — (арабча — емирмак) вазн талабига кўра бирор ҳарфни туширилиши ҳодисаси.

Масалан, Саккиз — сакиз, сув — су, ювди — юди, қилғайсен — қилғасен.

3. **Тазниб** — (арабча — дум ясамоқ) вазн талабига кўра бирор ҳарфни орттирилишидир.

Масалан, Айт — айит, уфқ — уфук, умид — уммид, хумор — хуммор.

4. **Тағйир** — (арабча — ўзгартириш) сўзлардаги айрим товушларнинг вазн талабига кўра ўрнини алмаштириш ҳодисасидир.

Масалан: дилистон - дилситон, гулистон - гулситон.

Бу ҳодисаларга оддий товуш кўчиши, тушиши ёки орттирилиши деб қарамаслик керак. Уларни билмаслик аруз вазнида ёзилган шеърларнинг вазнини аниқлашда қийинчиликлар туғдиради. Чунки, бундай ҳодисаларсиз баъзан вазн рўёбга чиқмайди ҳамда бир товушнинг кўчиши, орттирилиши ва туширилиши натижасида бутун бошли бир вазн бошқа вазнга ўзгариб кетади. Мисол учун олайлик, Суҳ-бат-тай-лай — бу кўринишда ушбу сўз ҳеч бир вазнга тўғри келмайди, вазнсиз, ана шундай пайтларда бу «васл» ҳодисаси орқали ўлчамга солинади. Натижада, Суҳ-ба-тай-лай (лик-ке-линг-лар жў-ралар-ўр то-ғ-лар) шаклида ўзгартирилади. (фо-и-ло-тун фо-илун). Шунингдек, **сак-киз** сўзидаги бир чўзиқ **са-киз** сўзида қисқага, **умид** сўзидаги қисқа ҳижо **ум-мид** шаклида чўзиққа айланади ва янги вазн ҳосил қилади. Булардан кўринадики, аруз вазнини ўрганишда арузий ҳодисаларни билиш жуда зарур ҳисобланади.

Таянч тушунчалар:

1. **Илми аруз** – аруз вазни ҳақидаги илм.
2. **Илми бадеъ** – бадиий тасвир воситалари ҳақидаги илм.
3. **Илми саноеъ** – шеърий санъатлар.
4. **Илми қофия** – қофия ҳақидаги илм.

Саволлар:

1. *Шеърият ва вазн тушунчалари муносабатлари ҳақида қандай фикрдасиз?*
2. *Аруз шеър ўлчови»нинг тарихи ҳақида нималарни биласиз?*
3. *Ўзбек арузшунослиги борасида нималарни биласиз?*
4. *Аруз вазни тизимидаги асосий бирликлар тартиби қандай?*
5. *Вазн талабига кўра юз берадиган арузий ҳодисалар нима?*



ҲИЖО ВА ЖУЗВЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Режа:

1. Бўгин ва ҳижоларнинг ажратилишига кўра ўхшаш ва фарқли жиҳатлари.
2. Ҳижолар ва уларнинг турлари.
3. Ҳижоларнинг бирикиш хусусиятлари.
4. Жузвлар ва уларнинг турлари.

1. Бўгин ва ҳижоларнинг ажратилишига кўра ўхшаш ва фарқли жиҳатлари.

Шеърятнинг муҳим хусусиятларидан бири бу ритм, яъни оҳангга эга бўлишлиқдир. Оҳанг унли ва ундош товушларнинг тартибли такрорланиши орқали ҳосил қилинади. Вазн нуқтаи назаридан энг кичик ритмик бўлак бармоқ вазнида «**бўгин**», аруз вазнида «**ҳижо**» деб юритилади. Тузилишига кўра улар бир-бирига ўхшасада хусусиятларига кўра фарқланади. Хусусан, бармоқ вазнида бўгинлар ифодаланишига кўра ажратилади ва асосан саноғи ҳисобга олинади. Ҳижолар эса талаффузига кўра ажратилади ва сифат жиҳати ҳисобга олинади. Якка ундош товуш бўгин ҳисобланмайди, аммо бир қисқа ҳижо ўрнида келиши ёки қисқа унли талаффузга кўра чўзиқ ҳижо ҳисобланиши мумкин. Шу жиҳатдан ҳижолар ҳамиша ҳам бўгинга тенг келавермайди. Масалан, Бобурнинг бир байтини бўгин ҳамда ҳижо хусусиятига кўра қиёслаб кўрамиз:

Бўгин:

Қа-ро-зул-финг-фи-ро-қи-да-па-ри-шон-рўз-го-рим-бор, = 15

Ю-зинг-нинг-иш-ти-ё-қин-да-не-саб-ру-не-қа-ро-рим-бор. = 16

Ҳижо:

Қа-ро-зул-финг-фи-ро-қи-да-па-ри-шон-рў-з-го-рим-бор, = 16

Ю-зинг-нинг-иш-ти-ё-қин-да-не-саб-ру-не-қа-ро-рим-бор. = 16

Кўринадикки, ҳар икки байтда бўгин ва ҳижолар сони тенг эмас. Иккинчи байтнинг биринчи мисрасида «з» ундошининг бир қисқа ҳижо сифатида ажратилиши ҳисобига ҳижолар сони биттага ортган. Ҳижолар сифат хусусиятига кўра характерланар экан, уларнинг айнан ана шу сифат жиҳати ўқувчи илғаб олиши анчайин қийин бўлган хусусиятлардан бири ҳисобланади. Сабаби, ўқувчи қисқа унли билан тугаган ҳижоларга бўгин нуқтаи назаридан ҳаминша қисқа деб қарайди ва хатога йўл қўяди. Юқорида келтирилган мисолда «қа», «да», «па», «ри» «фи», «қи», «ти» каби ўринларга бир хил муносабатда бўлади. Дарҳақиқат, бўгин ҳисобида олганда улар бир хил. Аммо, ҳижо назаридан талаффузга кўра улар бир хилда эмас. «Қа», «қи», «па», «ти» ҳижолари қисқа унли билан тугагани учунгина эмас, қисқа талаффуз қилингани учун қисқа ҳисобланади. «Қи», «да», «ри» ҳижолари олдинги ҳижоларга ўхшаш қисқа унли билан тугасада «қи-й», «ри-й», «да-а» кўринишида чўзиқ талаффуз қилингани учун чўзиқ ҳисобланади. Демак, байтларни ҳижоларга ажратишда қайта-қайта талаффуз қилиб кўриш керак бўлади.

2. Ҳижо ва уларнинг турлари

Ҳижолар талаффузига кўра қисқа ҳижо, чўзиқ ҳижо, ўта чўзиқ ҳижолардан иборат учта турга бўлинади:

➤ Агар ҳижо қисқа унли билан тугаса ҳамда қисқа талаффуз қилинса — очиқ ва қисқа ҳижо дейилади, у «V» белгиси билан белгиланади.

➤ Агар ҳижо қисқа унли билан тугасада чўзиқ талаффуз қилинса, ҳамда таркибида қисқа унли бўлган ундош билан тугаган ёпиқ ҳижолар чўзиқ ҳижолар дейилади ва у «—» белгиси билан белгиланади.

➤ Таркибида чўзиқ унлиси бўлган ёки қўш ундош билан тугаган ҳижолар ўта чўзиқ ҳисобланади. (бор, зор, дўст, раҳм). У сўз бошида «— V» белгиси билан, сўз охирида келганда эса «~» белгиси билан белгиланади. Масалан, қуйидаги байтга эътибор қилинса, қисқа ҳижолар 8 та, чўзиқ 20 та, ўта чўзиқ 3 та эканлиги кўринадикки:

Сўр-ма-ҳо-лим ни-ки,-бўл-дум бур-но-ғи-дин зо-р-роқ,
 — V — — — V — — — V — — — V ~

Жис-м-жон-дин зо-ру-жо-ним жис-м-дин-аф го-р-роқ.
 — V — — — V — — — V — — — V —
 фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-лон

Бунда «ма, ки, ру» ҳижолари қисқа унли билан тугагани ва қисқа талаффузга эгалиги учун қисқа (талаффуз қилинганда «и» товуши деярли айтилмайди), «но» ҳижоси чўзиқ унли билан тугасада қисқа талаффуз этилади ва қисқа ҳижо ҳисобланади, «ни» қисқа унли билан тугасада «ни-й» шаклида чўзиқ талаффуз қилинаётганлиги учун чўзиқ ҳисобланади. «Р» ундоши ҳар икки ўринда бир қисқа ҳижога тенг (ундошлар якка ҳолда келганда ҳамиша бир қисқа ҳижога тенг деб қаралади). «Жисм» сўзи кўш ундош билан тугагани, «роқ» таркибида «о» чўзиқ унлиси бўлгани учун ўта чўзиқ ҳижо ҳисобланади. Қолган ҳижолар эса таркибида қисқа унлиси бор, ундош билан тугаган ёпиқ ҳижо эканлигидан чўзиқдир. Талаффузга асосланган ҳижоларга хос бундай хусусиятлар ўта муҳим. Сабаби, бир байтнинг ўзини ҳижоларнинг турлича талаффузига кўра бир неча вазнда ўқиш мумкин. Айнан ҳижоларга хос уш бу жиҳат шеърятдаги вазнлар ранг-баранглигига асос бўлади. Бобурнинг куйидаги бир байтига эътибор қаратамиз:

Қо-ши-ға бор га-ли кў-нгул ў-зи-га кел ма-ди не-тай,
 — V — — — V — — — V — — — V — —
 Ю-зи-га туш га-ли кў-зум кў-зи-га ил ма-ди у-лой.
 — V — — — V — — — V — — — V — —
 фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун

Ушбу байт вазни уч чўзиқ ва бир қисқа ҳижодан ташкил топган «фо-и-ло-тун» рукнининг такроридан ҳосил бўлган «Рамали мусаммани солим»дир. Шу байтнинг ўзи куйида бошқа вазн кўринишига эга:

Қо-ши-ға бор га-ли кў-нгул ў-зи-га кел ма-ди не-тай,
 V V — — V V — — V V — — V V — —
 Ю-зи-га туш га-ли кў-зум кў-зи-га ил ма-ди не-тай.
 V V — — V V — — V V — — V V — —
 фа-и-ло-тун фа-и-ло-тун фа-и-ло-тун фа-и-ло-тун

Кўринадикки, барча рукнларда биринчи чўзиқ ҳижола қисқага ўзгарган, яъни қисқа талаффуз қилинмоқда. Аруз тилида бундай ўзгариш «хабн — қисқа қилиш» дейилади. Натижада, «Рамали мусаммани солим» (Рамал баҳридаги саккизлик бутун) вазни ўрнида «Рамали мусаммани махбун» (Рамал баҳридаги қисқарган саккизлик) деб аталувчи янги вазн юзага келган.

Шуни эсда тутиш лозимки, вазнда талаффузга кўра бўладиган бундай ўзгаришлар бир баҳр доирасида ёки ичида эмас, бир баҳрга мансуб (масалан, Рамал) шеърнинг вазнини бошқа баҳрга кўчириб, ўзгартириб юбориши мумкин:

Қо-ши-га бор га-ли кў-нгул **ў-зи-га кел** ма-ди не-тай,
 V — — — — V — — — — V — — — — V — — — —
Ю-зи-га туш га-ли кў-зум **кў-зи-га ил** ма-ди не-тай.
 V — — — — V — — — — V — — — — V — — — —
ма-фо-ий-лун фо-и-ло-тун ма-фо-ий-лун фо-и-ло-тун

Бу байт ҳам юқоридаги байтнинг ўзи, аммо бошқа вазнга эга. Биринчи икки (қорайтирилган) рукн ҳамда ўртадаги учинчи икки (қорайтирилган) рукнни олдинги байтдагига солиштирсак ўзгарганини кўрамиз. Аруз тилида айтганимизда «фо-и-лотун» ўрнида «ма-фо-ий-лун» келмоқда. Энди бу байтнинг вазни олдинги байтлардаги сингари Рамал баҳри вазни «Рамали мусаммани солим ёки махбун»да эмас, «Музореи мусаммани солим» — бошқа бир баҳрга батамом ўзгарган. Вазндаги бундай ўзгаришлар ҳижоларнинг турлича талаффузи асосида юзага келмоқда. Ҳижоларни қисқа ёки чўзиб талаффуз қилиниши бундай ўзгаришга сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳижола талаффузи жиддий машқни талаб қилади.

3. Ҳижоларнинг бирикиш хусусиятлари

Вазн ҳосил қилишда ҳижоларнинг сифати қай даражада муҳим бўлса, уларнинг ўзоро бирикиш хусусиятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, шеър ритми учун ҳижоларнинг сифат хусусиятларининг ўзи кифоя қилмайди. Ритм учун ҳижоларнинг гуруҳланиши талаб этилади. Бунинг учун эса аввало ҳижоларнинг ўзаро бирикишини ташкил қилиш керак. Дарҳақиқат, қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ ҳижола ўзаро бирикади ва нисбатан йирикроқ бирлик «жузв» ларни ҳосил қилади, улар **сабаб, ва-**

тад, фосила деган номлар билан юритилади. Ҳижоларнинг ўзоро бирикуви уч қуринишда амалга оширилади:

1. **Сабаб жузви** – бир қисқа ва икки чўзиқ ҳижодан иборат бўлади.

➤ Жузв бир чузиқ ҳижодан иборат бўлса, «сабаби ҳафиф-енгил сабаб» (–). Масалан: гул, тун, кун.

➤ Икки қисқа ҳижодан ташкил топган бўлса «сабаби сақийл – оғир сабаб» дейилади (V V).

Масалан: га-ла, ке-ча не-ча.

V V V V V V

2. **Ватад жузви** – сўзи арабча «қозиқча» деган маънони англатади, қисқа ва чўзиқ ҳижоларнинг ўзаро бирикишида ҳосил бўлади.

➤ Агар чўзиқ ҳижо ўзидан олдин келган қисқа ҳижо билан бириккан бўлса, «ватади мажмуъ» – қўшилган ватад ҳисобланади (V –).

Масалан: ки – тоб, ва – фо, ба – ҳор.

V – V – V –

➤ Чўзиқ ҳижо ўзидан кейин келган қисқа ҳижо билан бирикса, «ватади мафруқ» – ажратилган ватад дейилади. (– V).

Масалан: но-ла, боғ-ла, сай-ри

– V – V – V

➤ Бир қисқа ҳижо ўзидан кейин келган ўта чўзиқ ҳижо билан бириккан бўлса «ватади касрат»- кенг, мўл ватад бўлади (V ~).

Масалан: ни-шон, ни-ҳон, ра-воқ.

V ~ V ~ V ~

3. **Фосила жузви** – уч ёки тўрт қисқа ва бир чўзиқ ҳижоларнинг келишидан таркиб топади.

➤ Икки қисқа ҳижодан сўнг бир чўзиқ ҳижо келса «фосилаи суғро» – кичик фосила, (V V –).

Масалан: не-қи-лай.

V V –

➤ Уч қисқа ҳижодан кейин бир чўзиқ ҳижо бирикса «фосилаи кубро» – катта фосила дейилади (V V V –).

Масалан: не-қи-ла-йин.

V V V –

Бобур «Мухтасар»да «сабаби мутавассит», «фосилаи узмо» жузвлари ҳам борлигини, аммо баъзи манбаларда уларга алоҳида қаралмаслигини айтади.

Жузвларни билишнинг аҳамияти шундаки, улар орқали рукнларнинг таркибини билиш ва қайси рукн нимадан келиб чиққанини аниқлаш имконини беради.

Жузларнинг умумий кўриниши:

– сабаби ҳафиф.	V V сабаби сақийл.
V – ватади мажмуъ.	– V ватади мафруқ.
V V – фосилаи суғро.	V V V – фосилаи қубро.

Таянч тушунчалар:

1. **Ҳижо** – бўғин.
2. **Ритм** – оҳанг.
3. **Жузв** – қисм.
4. **Ватад** – қозиқча.
5. **Хафиф** – енгил.
6. **Сақийл** – оғир.
7. **Суғро** – кичик.
8. **Кубро** – катта.
9. **Узмо** – узайтирилган

Саволлар:

1. «Бўғин» ва «ҳижо» мунсабатлари ҳақида нимани биласиз?
2. Ҳижолар қандай хусусиятларига кўра бир-биридан фарқланади?
3. Жузвлар нимани англатади?
4. Жузвлар қандай номлар билан аталади?



РУКНЛАР, УЛАРНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШИ ВА ТУРЛАРИ

Режа:

1. Рукнларни ҳосил қилиш йўллари.
2. Асл рукнлар.
3. Байт вазнини аниқлашда тақтеълашнинг муҳимлиги.
4. Рукнларнинг байтдаги ўрнига кўра номланиши.
5. Якка такрорланувчи рукнлар.
6. Қўшалоқ такрорланувчи рукнлар.

1. Рукнларни ҳосил қилиш йўллари

Рукн — арабча «устун» деган маънони англатади, кўплиги аркон. У аруз тизимида ҳижодан кейинги йирик ритмик бўлак ҳисобланади. Арузда рукнлар жузвларнинг бирикишидан юзага келади¹.

1. Бир ватади мажмуъ + бир сабаб.
 $V - + - = \text{«фа у лун»} (V - -)$.
2. Бир сабаб + бир ватади мажмуъ.
 $- + V - = \text{«фо и лун»} (- V -)$.
3. Бир ватади мажмуъ + икки сабаб.
 $V - + - - = \text{«ма фо ий лун»} (V - - -)$.
4. Бир сабаб + ватади мажмуъ + бир сабаб.
 $- + V - + - = \text{«фо и ло тун»} (- V - -)$.
5. Икки сабаб + бир ватади мажмуъ.
 $- - + V - = \text{«мус тафъ и лун»} (- - V -)$.
6. Икки сабаб + бир ватади мафруқ.
 $- - + - V = \text{«мафъ у ло ту»} (- - - V)$.
7. Бир ватади мажмуъ + бир фосилаи суғро.
 $V - + V V - = \text{«ма фо и ла тун»} (V - V V - -)$.
8. Бир фосилаи суғро + бир ватади мажмуъ.
 $V V - + V - = \text{«му та фо и лун»} (V V - V -)$.

¹ Фитрат рукнларнинг ҳосил бўлишига нисбатан мавжуд уш бу тартибни маъқул кўрмайди. «Аруз ҳақида» рисоласида «ҳеч қандай илмий лисоний асосга суянмасдан, ҳижоларнинг бир бирига қушулишлариға кўра таҳсим этдилар. Бу «Халил мактаби»нинг биринчи янглиши бўлди» дейди. Ҳижоларнинг қисқалиқ ва тўлиқлиқ сифатлариға диққат қилиб, шуларнинг тизилиш тартибини назарға олганда масалани жуда тўғри ҳал қилган бўлардилар деган фикрни билдиради. Фитрат. «Аруз ҳақида». Т. «Уқитувчи» 1997. 31 - бет.

2. Асл рукнлар

Юқорда кўрганимиз тартибда жузвларнинг бирикишидан 8 та рукн ҳосил қилинади ва мазкур саккиз рукн «асллар» деб аталади. Арузшуносликда «Афойилу тафойил» деб ҳам юри-тилади. Ана шу 8 та аслларни қуйидагилар ташкил этади.

	<i>Рукн номи</i>	<i>Чизмаси</i>
1.	Фа у лун	V — —
2.	Фо и лун	— V —
3.	Мафой лун	V — — —
4.	Фо и ло тун	— V — —
5.	Мус тафъ и лун	— — V —
6.	Мафъ у ло ту	— — — V
7.	Ма фо и ла тун	V — V V —
8.	Му та фо и лун	V V — V —

Ўзбек арузида рукнларнинг ушбу тартиби айнан қабул қилинган бўлсада, уларни ажратишда ҳижолаарнинг талаффузга кўра гуруҳланиб келишига ҳам эътибор қаратилади. Масалан, Отоийнинг қуйидаги байтига эътибор қаратамиз:

*Эй кўнглим олган дилрабо жоним фидо бўлсун санга,
Оби ҳаёти Хизр ила умре бақо бўлсун санга.*

Уш бу байтни талаффузга кўра қуйидагича ритмик бўлакларга бўлиб ўқиш орқали ҳам рукнларга ажратиш мумкин:

*Эй кўнглим ол ган дилрабо жоним фидо бўлсун санга,
Оби ҳаё ти Хизр ила умре бақо бўлсун санга.*

Шуни таъкидлаш лозимки, байтларни уш бу шаклда рукнларга ажратиш ҳамиша ҳам тўғри бўлавермайди. Чунки, рукнлар аруз илмида маълум тартиб ва қоидага кўра аниқланади.

3. Байт вазнини аниқлашда тақтеълашнинг муҳимлиги

Аруз илмида шеър вазнини аниқлаш учун «тақтеъ» усули ҳам қўлланилади. Тақтеъ – арабча кесиш деган маънони англа-тиб, байтни ритмик бўлақлар – рукнларга ажратишни англа-тади. Тақтеъ усули анча мураккаб бўлиб, араб графикасида эса янада қийинлашади. Шунинг учун ҳозирги арузшуносликда тақтеъ усули эмас, ҳижо усули кўпроқ қўлланилади. Яъни, байт аввал талаффузга кўра ҳижоларга ажратилади, сўнгра ритмик бўлақларга бўлинади ва ҳар бир ритмик бўлақдаги ҳижолар-нинг чўзиқ-қисқалиги аниқланади, белгиланади, шу тартиб асосида вазн аниқланади. Қуйида бир байт мисолида шу вази-фани бажарамиз:

*Такаллуф ҳар неча суратта бўлса андин ортуқсен,
Сени жон дерлар, аммо бетакаллуф жондин ортуқсен.*

Дастлаб, байтни ҳижоларга ажратамиз:

Та-кал-луф-ҳар-не-ча-су-рат-та-бўл-са-ан-дин-ор-туқ-сен,
Се-ни-жон-дер-лар,-ам-мо-бе-та-кал-луф-жон-дин-ор-туқ-сен.

Энди уларни талаффуз қилиш асосида ритмик бўлақларга ажратиб ифода этамиз. Шунда байт қуйидаги ҳолатга келади:

Та-кал-луф-ҳар / не-ча-су-рат / та-бўл-са-ан / дин-ор-туқ-сен,
Се-ни-жон-дер /лар,-ам-мо-бе /та-кал-луф-жон /дин-ор-туқ-сен.

Ҳар бир ритмик бўлақдаги ҳижоларнинг қисқа – чўзиқли-гини яна талаффузга кўра аниқлашга ҳаракат қиламиз ва бел-гилаймиз:

Та-кал-луф-ҳар не-ча-су-рат та-бўл-са-ан ди-нор-туқ-сен,
V – – – V – – – V – – – V – – –
Се-ни-жон-дер ла-рам-мо-бе та-кал-луф-жон ди-нор-туқ-сен.
V – – – V – – – V – – – V – – –
ма-фо-ий лун ма-фо-ий лун ма-фо-ий лун ма-фо-ий лун

Кўринадики, ҳар бир алоҳида рукн юқорида кўрганамиз 8 асллардан бири «ма-фо-ий лун» га тўғри келмоқда ва рукн

байтда бус-бутун такрорланмоқда. Демак, байтнинг вазни «Ҳазажи мусаммани солим» ҳисобланади. (Бу ҳақда кейинроқ батафсил тўхталамиз).

4. Рукнларнинг байтдаги ўрнига кўра номланиши

Байтдаги ҳар бир рукн ўрнига кўра ўз номига эга бўлиб, уларни билиш муҳим аҳамиятга эга. Биринчи мисранинг биринчи рукни «садр — раис, бошлиқ», охириги рукни «аруз», иккинчи мисранинг биринчи рукни «ибтидо — бошловчи», қолган ўртада келувчи барча рукнлар «ҳашв — ортиқча сўз, мавзудан четга чиқиб айtilган гап» дейилади. Байтда рукнлар сонига қараб ҳашвлар бир нечта бўлиши мумкин:

- | | | | | |
|------------|------|------------|------|------|
| 1. Садр | аруз | 2. Садр | ҳашв | аруз |
| Ибтидо | зарб | Ибтидо | ҳашв | зарб |
| (мураббаъ) | | (мусаддас) | | |
| 3. Садр | ҳашв | ҳашв | аруз | |
| Ибтидо | ҳашв | ҳашв | зарб | |
| (мусамман) | | | | |

5. Байтларда рукнларнинг такрорланиши

Аруз вазнида вазн юзага келиши учун байтларда рукнларнинг такрорланиб келиши талаб этилади, бошқача айтганда рукнлар такрорисиз вазн юзага келмайди. Бу такрорланиш одатда — якка ва қўшалок такрор бўлади. Ҳар икки ҳолатда айнан ва ўзгарган кўринишга эга бўлиши мумкин. Шундан келиб чиқилганда рукнлар икки хил (якка ва қўшалок) ва икки кўриниш (солим ва зиҳоф) да бўлади. Ҳар тўрт ҳолатда ҳам алоҳида янги вазн ҳосил бўлади. Қуйида буларнинг ҳар бирига тўхталамиз.

Якка такрорланувчи рукнлар

Юқордаги мисолларда гувоҳи бўлганимиздек, «фа у лун», «фо и лун», «ма фо ий лун», «фо и ло тун», «мус тафъ и лун», «ма фо и ла тун», «му та фо и лун» асл рукнларнинг ҳар бирига байтларда такрорланиб келиш хусусияти хос. Бу такрорланувчанликнинг биринчи хилида бирор рукн якка ўзи такрорланади. Шунинг учун уларни шартли равишда якка такрорланувчи рукнлар, деб атадик. Масалан, қуйидаги бир байт мисолида кузатамиз:

*Рашки хуршиди анвар бўлубтур юзи,
Фитнаи шаҳри кишвар бўлубтур кўзи.*

(Бобур)

Юқорида айтилгани сингари дастлаб байтни ҳижоларга аж-
ратамиз:

Раш-ки-хур-ши-ди-ан-вар-бў-луб-тур-ю-зи,
Фит-на-и-шаҳ-ри-киш-вар-бў-луб-тур-кў-зи.

Ўз навбатида талаффуз қилиб кўриш билан ритмик бўлақларни
ҳосил этамиз. Бу вазифани бажаришда ҳар бир ритмик бўлақнинг
оҳанги ва мазмунга эътибор қаратиш лозим. Чунки улар ўзаро тенг
оҳангга эга бўлиши керак:

Раш-ки хур / ши-ди ан / вар бў-луб / тур ю-зи,
Фит-на-и / шаҳ-ри киш / вар бў-луб / тур кў-зи.

Айтилганидек, ҳар бир ритмик бўлақдаги ҳижоларнинг си-
фатини аниқлаймиз ва белгилайиз:

Раш-ки хур ши-ди ан вар бў-луб тур ю-зи,
— V — — V — — V — — V —
Фит-на-и шаҳ-ри киш вар бў-луб тур кў-зи.
— V — — V — — V — — V —
фо-и-лун фо-и-лун фо-и-лун фо-и-лун

Кўриниб турибдики, байтдан ҳосил қилинган ритмик бўлақ-
ларнинг барчаси «фо-и-лун» асл рукнига тенг. Байтда якка ўзи
ўзгаришсиз такрорланиб келган, бундай кўринишига **солим** дей-
илади. Қуйидаги байт ҳам шу рукннинг якка ўзи такрорлана-
ди, аммо ўзгаришга учраган:

*Рашки хуршиди анвар бўлубтур юзинг,
Фитнаи шаҳри кишвар бўлубтур кўзинг.*

Тақтиъси:

Раш-ки хур ши-ди ан вар бў-луб тур ю-зинг,
— V — — V — — V — — V ~
Фит-на-и шаҳ-ри киш вар бў-луб тур кў-зинг.
— V — — V — — V — — V ~
фо-и-лун фо-и-лун фо-и-лун фо-и-лон

Бунда охирги чўзиқ ҳижо ўта чўзиқ ҳижога айланганлиги ҳисобига «фо-и-лун» рукни «фо-и-лон»га ўзгарган. Арузда рукнларнинг ўзгаришга учрашидан ҳосил бўлган бу каби рукнлар **зиҳоф** ёки **фуруълар** дейилади. (Зиҳофлар мавзусига кейинроқ алоҳида тўхталамиз.)

Кўшалок такрорланувчи рукнлар

Рукнлардан бири иккинчиси билан ёнма-ён такрорланиши мумкин. Буларни ҳам шартли равишда кўшалок такрорланувчи рукнлар деб атаймиз. Кўшалок такрорланувчи рукнлар икки хилда, яъни 1 + 1 ва 2 + 1 кўринишида такрорланади. Ҳар икки кўринишга бу ўринда биттадан мисол келтириш билан чекланамиз. Бу масалада баҳрлар бобида кенгроқ тўхталамиз. Такрор бўлсада юқоридаги тартиб асосида кетма-кетликда бажарамиз:

*Эй қадингдин сарвға минг ҳижолат ҳар нафас,
Сарв қаддингдин менинг кўнглима юз минг ҳавас.* (Навоий)



Эй-қа-динг-дин-са-рв-ға-минг-ҳи-жо-лат-ҳар-на-фас,
Са-рв-қад-динг-дин-ме-нинг-кўнг-ли-ма-юз-минг-ҳа-вас.



Эй-қа-динг-дин / са-рв-ға / минг-ҳи-жо-лат / ҳар-на-фас,
Са-рв-қад-динг / дин-ме-нинг / кўнг-ли-ма-юз / минг-ҳа-вас.



Эй-қа-динг-дин са-рв-ға минг-ҳи-жо-лат ҳар-на-фас,
 – V – – – V – – V – – – V –
 Са-рв-қад-динг дин-ме-нинг кўнг-ли-ма-юз минг-ҳа-вас.
 – V – – – V – – V – – – V –
фо и ло тун фо и лун фо и ло тун фо и лун

Кўринадики, бу ерда олдинги мисоллардан фарқли равишда «фо-и-ло-тун» ва «фо-и-лун» асл рукнлари биттадан иштирок этмоқда. Асл рукнларнинг (1 + 1) кўшалок такрорланишининг биринчи хилида мана шундай кўринишда икки асл биттадан иштирок этади. Қолган асл рукнларнинг биттадан кўшалок такрорланиши қуйидаги тартибда бўлади:

1. Ма фо ий лун + фо и ло тун
2. Фо и ло тун + мус тафъ и лун

3. Фо и ло тун + фо и лун
4. Фа у лун + ма фо ий лун
5. Мус тафъ и лун + мафъ у ло ту
6. Мус тафъ и лун + фо и ло тун
7. Мафъ у ло ту + мус тафъ и лун
8. Мус тафъ и лун + фо и лун¹

Асл рукнларга хос қўшалоқ такрорланишнинг иккинчи хилида иккита бир хил ва битта бошқа хил (2+1) асл рукн такрорланади:

*Жамолингдин қуёш асру бор уётлиғ,
Сочингға банда боғ ичра сунбул отлиғ. (Навой)*

Жамо-линг-дин-қу-ёш-ас-ру-бо-ту-тат-лиғ,
Со-чинг-ға-бан-да-боғ-ич-ра-сун-бу-лот-лиғ.

Жа-мо-линг-дин қу-ёш-ас-ру бо-ту-тат-лиғ,
Со-чинг-ға-бан да-боғ-ич-ра сун-бу-лот-лиғ.

Жа-мо-линг-дин қу-ёш-ас-ру бо-ту-тат-лиғ,
 V — — — V — — — — V — —
 Со-чинг-ға-бан да-боғ-ич-ра сун-бу-лот-лиғ.
 V — — — V — — — — V — —
 ма-фо-ий-лун ма-фо-ий-лун фо-и-ло-тун

Мазкур мисолда иккита бир хил «Ма-фо-ий-лун» ва битта «фо-и-ло-тун» асл рукни келмоқда. Қолган рукнларнинг 2+1 шаклида такрорланиши қуйидаги тартибда келади:

Ма фо ий лун + ма фо ий лун + фо и ло тун.
 Фо и ло тун + фо и ло тун + ма фо ий лун.
 Фо и ло тун + фо и ло тун + мус тафъ и лун.
 Мус тафъ и лун + мус тафъ и лун + мафъ у ло ту.

Алоҳида таъкидлаш керакки, рукнларнинг бундай қўринишларда ёнма-ён келиш оддий такрорланиш бўлмай, уларнинг ҳар биридан янги вазн — **бахр** ҳосил бўлади.

¹ Бу ва бундан кейинги мисолларда ишлатилган қўшув (+) белгиси арузга оид белги эмас. Ажратиб кўрсатиш учун қўлладиқ.

Таянч тушунчалар:

1. **Рукн** – устун.
2. **Садр** – раис, бошлиқ.
3. **Тақтеъ** – кесиш.
4. **Ибтидо** – бошловчи.

Саволлар:

1. Ритмик бирлик сифатида рукнлар қандай ҳосил қилинади?
2. Асл рукнлар деганда нимани тушунасиз?
3. Тақтеъ нимани англатади, вазнини аниқлашда қандай аҳамиятга эга?
4. Рукнлар байтдаги ўрнига кўра қандай аталади?
5. Байтда рукнлар қандай эҳтиёж юзасидан қай йўсинларда такрорланади?
6. Рукнлар такрорланиши қандай аҳамиятга эга?
7. Якка такрорланувчи рукнлар қандай кўринишда бўлади?
8. Қўшалоқ такрорланувчи рукнларнинг якка такрорланувчи рукнлардан фарқи нимада?
9. Қўшалоқ такрорланувчи рукнлар тартибини айтинг.



БАҲРЛАР, УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА ҲОСИЛ БЎЛИШ УСУЛЛАРИ

Режа:

1. Баҳр тушунчаси ҳақида.
2. Баҳрларнинг ҳосил бўлиш йўллари.
3. Баҳрларнинг турлари ва кўринишлари.

1. Баҳр тушунчаси ҳақида

Баҳр — арабча денгиз деган маънони англатади. Аруз ата-маси сифатида рукндан кейинги йирик бирлик ҳисобланади. Баҳрлар байтларда рукнларнинг турлича такрорланишидан ҳосил бўлади. Аруз илми асосчиси Халил ибн Аҳмад баҳрлар сонини 15 та қилиб кўрсатган. Булар: 1.Мутақориб; 2.Ҳазаж; 3.Ражаз; 4.Рамал; 5.Вофир; 6.Комил; 7.Тавил; 8.Мадид; 9.Басид; 10.Мунсариҳ; 11.Музориъ; 12.Муқтазаб; 13.Мужтасс; 14.Сариъ; 15.Ҳафиф баҳрларидир.

Форсий арузшунослар ададга Мутадорик, Жадид (Ғариб), Қариб, Мушокил баҳрларини қўшган эканлар. Шунингдек, Ариз ва Амиқ баҳрлари ҳам баҳрлар сарасига киритилади. Бобур бу икки баҳрни «ғайри мушхур» бўлганлигини ва «бу баҳрлар била жамиъ бухур йигирма бир бўлғай» деб кўрсатади¹. Булар: 1.Мутақориб; 2.Мутадорик; 3.Ҳазаж; 4.Ражаз; 5.Рамал; 6.Вофир; 7.Комил; 8.Тавил; 9.Мадид; 10.Басид; 11.Мунсариҳ; 12.Музориъ; 13. Муқтазаб; 14.Мужтасс; 15.Сариъ; 16.Жадид (Ғариб); 17.Қариб; 18.Ҳафиф; 19.Мушокил; 20.Ариз; 21.Амиқ; баҳрларидир. Анвар Ҳожиаҳмедовнинг кўрсатишича, бу 21 баҳрдан қуйидаги 9 таси бизнинг шеърятимизда мутлақо қўлланмаган, улар арабий ва форсий шеърятда махсус ўлчов турлари саналади:

- | | | |
|------------|------------------|----------|
| 1.Вофир, | 4.Муқтазаб, | 7.Мадид, |
| 2.Басид, | 5.Жадид (Ғариб), | 8.Қариб, |
| 3.Мушокил, | 6.Ариз, | 9.Амиқ. |

Мутадорик, Комил, Тавил баҳрларидан жуда кам шоирлар

¹ Бобур. Мухтасар. Тошкент : Фан 1971. 24 б.

фойдаланганлар. Қолган қуйидаги 9 баҳр эса шеърятимизда фаол қўлланилган¹.

1. Мутақориб; 2. Мутадорик; 3. Ҳазаж; 4. Ражаз; 5. Рамал; 6. Музориъ; 7. Ҳафиф; 8. Мунсариҳ; 9. Сарийъ.

2. Баҳрларнинг ҳосил бўлиш йўллари

Баҳрлар рукнларнинг байтлардаги такроридан юзага келади: Мутақориб, Мутадорик, Ҳазаж, Ражаз, Рамал, Вофир, Комил баҳрларидан иборат дастлабки 7 та баҳр саккиз асл рукннинг 7 тасини биттадан яққа такрорланиши сўнгида ҳосил бўлади:

1. «Фа у лун» ⇔ Мутақориб.
2. «Фо и лун» ⇔ Мутадорик.
3. «Ма фо ий лун» ⇔ Ҳазаж.
4. «Фо и ло тун» ⇔ Рамал.
5. «Мус тафъ и лун» ⇔ Ражаз.
6. «Му та фо и лун» ⇔ Комил.
7. «Ма фо и ла тун» ⇔ Вофир.

Бобур мазкур 7 та баҳр ҳақида тўхталиб, «бу баҳрларни муттафиқ ул аркон дерлар. Булардан Вофир ва Комил мусаддасул аркон келибдур, ўзгалари «мусамманул аркон» деб кўрсатади. Қолган 12 та баҳр эса рукнларни қўшилиб такрорланишидан ҳосил бўлади. Булардан 8 таси 1+1 кўринишида келади. Уларнинг тартиби қуйидагича:

1. Ма фо ий лун + фо и ло тун ⇔ Музориъ.
2. Фо и ло тун + мус тафъ и лун ⇔ Ҳафиф.
3. Мус тафъ и лун + фо и ло тун ⇔ Мужтасс.
4. Мус тафъ и лун + мафъ у ло ту ⇔ Мунсариҳ.
5. Мафъ у ло ту + мус тафъ и лун ⇔ Музориъ.
6. Фа у лун + ма фо ий лун ⇔ Тавил.
7. Фо и ло тун + фо и лун ⇔ Мадид.
8. Мус тафъ и лун + фо и лун ⇔ Басит.

Қуйидаги тўрт баҳр эса асл рукнларнинг иккита бир хил ва битта бошқа хил (2+1) такроридан ҳосил бўлади:

9. Ма фо ий лун + ма фо ий лун + фо и ло тун ⇔ Қариб.
10. Фо и ло тун + фо и ло тун + ма фо ий лун ⇔ Мушокил.
11. Фо и ло тун + фо и ло тун + мус тафъ и лун ⇔ Фариб
12. Мус тафъ и лун + мус тафъ и лун + мафъ у ло ту ⇔ Сарийъ.

¹ А.Ҳожиаҳмедов. «Ўзбек арузи луғати» «Шарқ» – Т. 1998 й. 38-бет.

Рукнларни қўшилиб такрорланишидан ҳосил бўлган бу тартиб баҳрларни Бобур «**мухталиф ул аркон**» дейди. «Булардин Тавил, Мадид, Басит, Мунсариҳ, Музориъ, Муқтазаб, Мужтасс **мусамман ул аркон** келибдур, Сарий, Ғариб, Қариб, Мушокил, Ҳафиф **мусаддас ул аркон** келибдур» деб кўрсатади¹. Ҳозирги арузшуносликда ҳам бундай атамалар мавжуд бўлиб, рукнларнинг байтдаги такрорига қараб тўрт рукнли бўлганда – **мураббаъ**, олти рукнли рукнли – **мусаддас**, саккиз рукн бўлганда – **мусамман** деб юритилади. Масалан, «Рамали мусамман» дейилгандаги мусамман байтда саккиз рукн борлигини англатади. Шунингдек, 12 (мустаҳзод), 16, 20, 36 рукнли шеърларга дуч келишимиз мумкин. Бундай вазн кўп рукнли деган маънода «**мутатаввал**» деб юритилади. Аруз тизимида, хусусан классик арузшуносликда баҳрларни аниқлаш олдин таъкидланганидек, тақтиълаш орқали амалга оширилган. Бу анчайин мураккаб усул бўлганлиги сабабидан осонроқ йўл, яъни ёзма тарзда аниқлаш усулини қўллаш маъқулроқ. Бунда аввал байт ҳижолаарга ажратиб ёзилади, сўнгра талаффузга кўра ритмик бўлақларга бўламиз. Ҳар бир ритмик бўлақ ёки рукнлардаги ҳижолаарнинг сифатини аниқлаймиз ва белгилаймиз, ажратилган рукнлар асл ёки тармоқ рукнларга мослигига эътиборни қаратамиз:

Мутақориб баҳри. (фа-у-лун.)

*Кичиклик татиғи йигитлик эражи,
Йитурдим ман эмди тутарда курааттим.*

(«Кутадағу билиг»)

Дастлаб ҳижолаарга ажратамиз ➤.

2. Ки-чик-лик-та-ти-ғи йи-гит-лик э-ра-жи,
Йи-тур-дим-ма-нэм-ди-ту-тар-да- ку-рат-тим.

➤

3. Ки-чик-лик та-ти-ғи йи-гит-лик э-ра-жи,
Йи-тур-дим ма-нэм-ди ту-тар-да ку-рат-тим.

➤

4. Ки-чик-лик та-ти-ғи йи-гит-лик э-ра-жи,
V – – V – – V – – V – –

¹ Бобур. «Мухтасар». Тошкент. «Фан». 1977. 24-бет.

Йи-тур-дим ма-нэм-ди ту-тар-да ку-рат-тим.
 V — — V — — V — — V — —
 фа-у-лун фа-у-лун фа-у-лун фа-у-лун.

Эътибор беринг! 1 — байтнинг ифода кўриниши, 2 — байтни ҳижоларга ажратдик, 3 — ҳижолар остига уларнинг чўзиқ қисқа талаффузига қараб чизмасини белгиладик, 4 — рукнларга ажратдик. Демак, шеърнинг вазни «фа-у-лун» рукнида эгалиги учун **мутақориб**, рукнлар сонининг саккизталиги учун **мусамман**, рукнлар бутун-соғломлиги (ўзгармаган) учун солим. Шундан келиб чиқилганда шеърнинг вазни «**Мутақориби мусамман солим**» ҳисобланади. Энди ушбу тушунчаларни тўлиқроқ ўрганиш ва ўрганганларимизни мустаҳкамлаш мақсадида ҳар бир баҳрнинг солим кўринишига мисоллар келтирамиз. Бунинг сабаби уларнинг вазнини ҳам шу тартибда ёзма усулда аниқлаш мумкин бўлади:

1. Мутадорики мусаммани солим (фо-и-лун).

*Жонга лаълинг майи момидур мултамас,
 Не Хизр суйи, не жоми Жамдур ҳавас.* (Навоий)

2. Ҳазажи мусаммани солим (ма-фо-ий-лун).

*Бу гулшан соз экан соз устига соз этгали келдик,
 Қадрдонларни шод айлаб сарафроз этгали келдик.* (Ҳабибий)

3. Рамали мусаммани солим (фо-и-ло-тун).

*Юз бу оламча яратмоқ кудратин оллинда жоиз,
 Садыкин ижод қилмоқ ўзгаларга йўқму жавваз.* (Навоий)

4. Ражази мусаммани солим (мус-тафъ-и-лун).

*Эй кўнглим олган дирабо жоним фидо бўлсин санга,
 Оби ҳаёти Хизр ила умре бақо бўлсин санга.* (Атоий)

5. Комили мусаммани солим (му-та-фо-и-лун).

*Хирадимни ғоратин айлаган юзи ойу сочлари ҳоладур,
 Бу чаман аро на санавбару на суман билан гули лоладур.*
 (Муқимий)

7. Вофири мусаммани солим (Ма-фо и-ла тун).

*Фироқинг ўтидин куяр баданим, тафидин эриб оқар жигар
Фамим будурурки, боғланибон юзунг сари тушмағай назарим.*
(Навойй)

Куйида келадиган мисоллар юқоридагилардан рукнларнинг қўшалоқ такрорланиши билан фарқ қилади. Улардан баҳр ҳосил бўлиш йўллари мисоллар асосида қайд этилган тартибда ўрганамиз:

*Зиҳи наҳли қадингдин хижл сарви бўстоний,
Хат ичра лабингдин мунфаил роҳи райҳоний.*
(Бобур)

Дастлаб ҳижоларга ажратамиз:

Зи-ҳи наҳ-ли қа-динг-дин хи-жл сар-ви бўс-то-ний,
Ха-тич-ра ла-бинг-дин мун-фа-ил ро-ҳи рай-ҳо-ний.

Ритмик бўлак ёки рукнларга ажратамиз:

Зи-ҳи-наҳ / ли-қа-динг / дин-хи-жл-сар / ви-бўс-то-ний,
Ха-тич-ра / ла-бинг-дин-мун / фа-ил-ро-ҳи / рай-ҳо-ний.

Белгилаймиз:

Зи-ҳи-наҳ ли-қа-динг-дин хи-жл-сар ви-бўс-то-ний,
V — — V — — — V — — V — — —
Ха-тич-ра ла-бинг-дин-мун фа-ил-ро ҳи-рай-ҳо-ний.
V — — V — — — V — — V — — —
фа-у-лун ма-фо-ий-лун фа-у-лун ма-фо-ий-лун

Ҳар бир рукн остидаги белгиларни алоҳида ўқиймиз. Шунда биринчи рукндан бошлаб «фа-у-лун» ва «ма-фо-ий-лун» рукнлари такрорланиб келаётгани кўринади. Энди буни юқоридаги қўшалоқ такрорланувчи деб кўрсатилган рукнлардан қидириб кўраимиз. (Эслатма: агар қўшалоқ такрорланувчи рукнлар тартиби билан ёд олинса, қидиришга ҳожат қолмайди.) Натижада, бу икки рукн Тавил баҳрига тўғри келиши, ҳар икки рукннинг солимлиги ва саккизталиги маълум бўлади.

Демак, вазни «Тавили мусаммани солим» дир.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Бобур «Мухтасар»да 19 баҳрни санаб ўтар экан, «Яна икки баҳрким Арид ва Амиқ-дур, тавил доирасидин ҳосил бўлур, ул ғайри машҳурдур» деб уқтирган¹. Дарҳақиқат, бу икки баҳр ҳам «фа-у-лун» ва «ма-фо-ий-лун» рукнлари такрорига асосланади:

1. Ариди мусаммани солим (ма-фо-ий-лун + фа-у-лун).

*Лабинг маржон, тишинг дур, хатинг райҳон, хадинг гул,
Сочинг анбар, юзинг ҳур, менгинг мултон, юзинг гул.*
(Бобур)

2. Амиқи мусаммани солим (фа-у-лун + ма-фо-ий-лун).

*Кел бери, эй париким, ҳажрдин хастадурмен,
Лаълингга ташнадурмен, зулфингга бастадурмен.*
(Бобур)

Рукнларнинг 1+1 кўринишида такрорланишидан юзага келадиган қолган баҳрлар учун ҳам мисолларни келтирамиз. Уларнинг вазнини ҳам шу тартибда аниқлаш мумкин бўлади.

1. Музориъи мусаммани солим (ма-фо-ий-лун + фо-и-ло-тун).

*Жафожўе бенавое қани сендек бу жаҳонда,
Дуогўе бенавое қани мендек бу замонда.* (Бобур)

2. Мужтасси мусаммани солим (мус-тафъ-и-лун + фо-и-ло-тун).

*Ишқ аҳлига гарчи доим кўп жаврдур, кўп жафодур,
Ҳусн аҳлига не қилайким, бемехру бевафодур.* (Бобур)

3. Мунсариҳи мусаммани солим (мус-тафъ-и-лун + мафъ-уло-ту).

*Сендек қани ҳусн аҳлида ҳам бевафо ҳам бедард,
Мендек қани ишқ аҳлида меҳнаткашу гампарвард.*
(Бобур)

4. Муқтазаби мусаммани солим (мафъ-уло-ту + мус-тафъ-и-лун).

*Эй бемехр келгил бери бу фурқатқа бир чора қил,
Ё йўқ эрса кўксимни ёр бу кўнглумни овора қил.*
(Бобур)

5. Мадиди мусаммани солим (фо-и-ло-тун + фо-и-лун).

*Неча тортай ҳажридин сенсизин озормен,
Келки ҳижронингда мен умрдин безормен.* (Бобур)

6. Басити мусаммани солим (мус-тафъ-и-лун + фо-и-лун).

*Эй бевафо келмадинг ҳаргиз менинг ёнима,
Ҳажринг нелар қилмади бу тинмагур жонима.* (Бобур)

Юқорида таъкидланганидек, «Сариъ, Ғариб, Қариб, Мушокил баҳрлари олдингиларидан фарқли равишда рукнлар 2 + 1 кўринишида ва байтда олти марта такрорланишига асосланади (Мусаддас ул-аркон). Булар учун ҳам мисол ўрнида бир байтнинг вазнини юқоридаги тартибда аниқлаймиз:

*Жамолиндин қуёш асру ботутатлиғ, (уятлиғ.)
Сочингға банда боғ ичра сунбул отлиғ.* (Бобур)

Жа-мо-линг-дин-қу-ёш-ас-ру-бо-ту-тат-лиғ,
Со-чинг-ға-бан-да-боғ-ич-ра-сун-бу-лот-лиғ.

Жа-мо-линг-дин қу-ёш-ас-ру бо-ту-тат-лиғ,
Со-чинг-ға-бан да-боғ-ич-ра сун-бу-лот-лиғ.

Жа-мо-линг-дин қу-ёш-ас-ру бо-ту-тат-лиғ,
V — — — V — — — — V — — —
Со-чинг-ға-бан да-боғ-ич-ра сун-бу-лот-лиғ.
V — — — V — — — — V — — —
ма-фо-ий-лун ма-фо-ий-лун фо-и-ло-тун

Ушбу манзарани қўшалок такрорланувчи рукнлик баҳрларга солиштирамиз, «Ма-фо-ий-лун — Ма-фо-ий-лун — фо-и-ло-тун»га тўғри келиши ва рукнлар сони олтита, ўзгармаганлиги маълум бўлади. Демак, вазни **Қариби мусаддаси солим**. Қолган баҳрлар вазни ҳам шу тартиб аниқланади.

1. Мушокили мусаддаси солим. (Фо-и-ло-тун + 2 та Ма-фо-ий-лун).

*Неча сенсиз фироқингда фиғон айлай,
Нола бирла улус бағрини қон айлай.* (Навоий)

2. Ғариб (Жадид)и мусаддаси солим (2 та Фо-и-ло-тун + Мус-тафъ-и-лун).

*Не балолиғ ҳажр эрурким, зор ўлмишам,
Келки ул кўз ҳажрида бемор ўлмишам.* (Навоий)

3. Сарийи мусаддаси солим. (2 та Мус-тафъ-и-лун + Мафъ-у-ло-ту).

*Жонимға юз дарду алам келтурдинг,
Кўнглима юз ранжу ситам келтурдинг.* (Бобур)

4. Ҳафифи мусаддаси солим. (Фо-и-ло-тун + Мус-тафъ-и-лун + Фо-и-ло-тун).

*Қайда эрдинг эй маҳвашим шарҳ қилғил,
Ўлғум эрди гар бир замон келмасанг бил.*
(Навоий)

Келтирилган мисоллар вазнини аниқлашда аввало ҳижолаарга тўғри ажратган бўлишимиз керак. Шунда рукнлар ўз-ўзидан келиб чиқади ва баҳрни топиш осон кечади.

Таянч тушунчалар:

- | | |
|---------------------------------|--|
| 1. Баҳр — денгиз. | 5. Мухталиф — ҳар хил, турлича. |
| 2. Солим — соғлом. | 6. Мусаддас — олти. |
| 3. Мураббаъ — тўрт. | 7. Мусамман — саккиз. |
| 4. Муттафиқ — бирлашган. | 8. Муттававал — кўп рукнли. |

Саволлар:

1. Баҳрлар қандай ҳосил қилинади?
2. Аруз вазнида баҳрларнинг умумий сони нечта?
3. Вазн жиҳатидан баҳрларни аниқлашда қандай усуллардан фойдаланиш мумкин?
4. Баҳр ҳосил қилиниши учун байтда рукнлар неча хилда такрорланади?
5. Байтда рукнлар ўзгаришсиз такрорланса қандай аталади?
6. Рукнларнинг байтда тўрт, олти, саккиз марта такрорланиши қандай аталади?
7. Қандай баҳрлар туркий шеъриятда фаол қўлланилиб келинган?

ЗИҲОФ ВА ТАРМОҚ РУКНЛАР, УЛАРНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШИ

Режа:

1. *Зиҳофлар ҳақида маълумот.*
2. *Сон жиҳатидан ўзгаришлар.*
3. *Сифат жиҳатидан бўладиган ўзгаришлар.*
4. *Сон ва сифат жиҳатидан ўзгаришлар.*
5. *Тармоқ рукнлар ва уларнинг кўринишлари.*

1. Зиҳофлар ҳақида маълумот

Аруз тизимининг асосини ташкил этувчи асл рукнлар шеър мисраларидаги ритмик бўлакларни ҳамиша ҳам тўлиқ ўлчаши имконини бермайди ёки бунинг учун кифоя қилмайди. Шу сабаб улар турлича ўзгартирилади ва янги рукнлар ҳосил қилинади. Бундай ўзгаришлар арузда «зиҳоф», зиҳофга учраган рукнлар **зиҳоф рукнлар** деб аталади. Асл рукнлар ҳаммаси бўлиб 45 хилгача зиҳоф ўзгаришга учрайди. Улардаги ўзгаришлар асосан тўрт хил сабабга кўра юз беради:

А. Сон жиҳатидан ўзгариш — рукнлар таркибидаги ҳижоларнинг туширилиши ёки орттирилиши.

В. Сифат жиҳатидан ўзгариш — қисқа ҳижоларни чўзиққа, чўзиқ ҳижоларни қисқага ёки чўзиқ ҳижоларни ўта чўзиққа ўзгариши.

С. Сон ва сифат жиҳатидан ўзгариш — рукнларни бир вақтнинг ўзида сон ва сифат жиҳатлардан ўзгаришга учраши.

Д. Тармоқ ҳосил қилувчи ўзгариш — сон ва сифат ўзгаришига учраган рукнларни яна сифат ўзгаришларга учраши.

Аруз вазнини ўрганишда зиҳоф ўзгаришларни билиш ва фарқлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, вазнда иштирок этаётган зиҳоф рукн қайси асл рукннинг қандай ўзгаришларга учраши натижасида пайдо бўлгани ва умуман қайси асл рукнлар қандай зиҳофларга учраши мумкинлигини билмаслик вазнини тўғри аниқлаш ва тўғри ифода этишга имкон бермайди. Зеро, вазнини ифодалашда ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда ўзига хос кетма-кетликка эътибор қилиш лозим. Яъни асл рукн, ўзгариш номи, зиҳоф рукн номи ва тармоқ рукн номи кетма-кет

ифода этилади. Бу борадаги тўлиқ тушунча ҳосил қилиш ва мустақамлаш учун ҳар бир ўзгаришга мисоллар келтирамиз:

2. Сон жиҳатидан ўзгариш.

Ма-фо-ий-лун + фа-у-лун (V — — — + V — —). Бунда биринчи рукн асл рукн, иккинчиси шу рукннинг ўзгаришидан ҳосил бўлган зиҳоф рукн ҳисобланади. Ўзгариш қуйидаги тартибда юз берган; «ма-фо-ий-лун» асл рукнининг охириги ҳижоси «лун» «ҳазф» ташлаш йўли билан ўгартирилади, натижада 4 ҳижодан иборат «ма-фо-ий-лун» асли сон жиҳатдан биттага қисқаради «ма-фо-ий» қолади, бу ўзига тенг «фа-у-лун» кўринишида ифода этилади ва ташланган деган маънода **Маҳзуф** деб юритилади. Мисол тариқасида қуйидаги байтга эътибор қаратамиз:

*Мени девона қилгон бир паридур,
Ки, инсону малакнинг дилбаридур.* (Атойй)

Ме-ни-де-во	на-қил-гон-бир	па-ри-дур,
V — — —	V — — —	V — —
Ки,-ин-сон-у	ма-лак-нинг-дил	ба-ри-дур.
V — — —	V — — —	V — —
<i>ма-фо-ий-лун</i>	<i>ма-фо-ий-лун</i>	<i>фа-у-лун</i>

Биз вазни аниқлаш учун байтларни ҳижо ва рукнларга ажратганда уш бу ҳолатга дуч келсак шеърнинг вазнини Ҳазаж баҳрини ҳосил қилувчи «Ма-фо-ий-лун» аслининг «ҳазф» зиҳофига учраши, яъни сон жиҳатидан ўзгариши оқибатида ҳосил бўлган вазн «Ҳазажи мусаммани маҳзуф» деб билишимиз керак. Бунда:

Ма-фо-ий-лун — асл рукн.
«Ҳазф» — ўзгартиш йўли — ташлаш дегани,
Ма-фо-ий — ўзгариш натижаси,
Фа-у-лун — ҳосил бўлган зиҳоф рукн ифодаси.
Маҳзуф — зиҳоф рукннинг номи.

3. Сифат жиҳатидан ўзгариш.

Ма-фо-ий-лун + ма-фо-и-лун (V — — — + V — V —). Бу ерда ҳам биринчи асл рукн, иккинчиси шу асл рукннинг сифат ўзгаришига учрашидан ҳосил бўлган зиҳоф рукн ҳисобланади.

Бундай сифат ўзгариш асл рукн «ма-фо-ий-лун»нинг «қабз» ушлаб қолиш зиҳофига дуч келиши, яъни учинчи чўзиқ ҳижо «ий»нинг қисқа ҳижо «и»га айлантирилиши натижасида ҳосил бўлган. Ушлаб қолинган деган маънода **Мақбуз** деб юритилади. Қуйидаги байт шу вазни ўзида ифода этган:

*Қошиға борғали кўнгул ўзига келмади нетай,
Юзига тушғали кўзум кўзига илмади нетай.*

(Бобур)

Қо-ши-ға бор га-ли кў-нгул ў-зи-га кел ма-ди не-тай,
 V — — — V — — — V — — — V — V —
 Ю-зи-га туш га-ли кў-зум кў-зи-га ил ма-ди не-тай.
 V — — — V — — — V — — — V — V —
Ма-фо-ий-лун Ма-фо-ий-лун Ма-фо-ий-лун Ма-фо-и-лун

Бундай ҳолларда шеърнинг тўлиқ вазни Ҳазаж баҳри ҳосил қилувчи «ма-фо-ий-лун» аслининг сифат ўзгаришга учрашидан ҳосил бўлган вазн «Ҳазажи мусаммани мақбуз» деб юритилади:

Ма-фо-ий-лун — асл рукн.

«Қабз» — ўзгартиш йўли ушлаб қолиш.

Ма-фо-и-лун — ҳосил бўлган зиҳоф рукн.

Мақбуз — зиҳоф рукн номи.

4. Сон ва сифат жиҳатдан ўзгариш.

Ма-фо-ий-лун + ма-фо-ийл (V — — — + V — ~). Бу ерда ҳам биринчиси асл рукн, иккинчиси шу асл рукннинг бир вақтнинг ўзида сон ва сифат жиҳатидан ўзгаришга учрашидан юзага келган зиҳоф рукн. Бундай ўзгариш кетма-кет икки босқичда юз беради. «Ма-фо-ий-лун» аввал «қаср» (қисқартириш) ўзгаришига учрайди, яъни охирги ҳижо «лун» туширилади (сон ўзгариш) натижада «ма-фо-ий» қолади, бундан учинчи чўзиқ ҳижо «ий» ўта чўзиқ ҳижо «ийл»га айлантирилади (сифат ўзгариш). Мақсур деб юритилади. Кўринадики, бир пайтнинг ўзида ҳам сон, ҳам сифат ўзгариш юз берган. Бунда:

Ма-фо-ий-лун — асл рукн.

«Қаср» — ўзгартириш йўли қисқартириш.

«Ма-фо-ий» — сон жиҳатидан ўзгариш натижаси.

Ма-фо-ийл — сифат ўзгариш натижаси.

Ма-фо-ийл — ҳосил бўлган зиҳоф рукн ифодаси.

Мақсур — зиҳоф рукн номи.

Қуйидаги байт шу тартибда ҳосил қилинган вазн асосида яратилган:

*Ажални дастидин юз доди фарёд,
Ки, умрим ҳосилини берди барбод.* (Нодира)

А-жал-ни-дас	ти-дин-юз-до	ди-фар-ёд,
V — — —	V — — —	V — ~
Ки,-ум-рим-ҳо	си-ли-ни-бер	ди-бар-бод.
V — — —	V — — —	V — ~
<i>ма-фо-ий-лун</i>	<i>ма-фо-ий-лун</i>	<i>ма-фо-ийл</i>

Бу вазн Ҳазаж баҳри ҳосил қилувчи «ма-фо-ий-лун» аслининг «қаср» зиҳофига учраши — сон ва сифат жиҳатидан ўзгариши сўнгида ҳосил бўлган. «Ҳазажи мусаммани мақсур» деб юритилади.

Келтирилган мисолларга қараб зиҳоф — ўзгаришлар фақат охирги рукнлар (аруз ва зарб)да юз берар экан деган хулосага келинмаслиги керак. Сабаби, зиҳоф ўзгаришлар барча рукнларда бўлиши мумкин ва ҳатто сиз дуч келган байт рукнларининг ҳаммаси бир ёки бир неча хилда фақат зиҳоф рукнлардан ташкил топган бўлиши ҳам мумкин. Айрим мисолларга мурожаат этиб кўрамыз:

*Бу сариға гузар қилиб қошимға ет,
Менинг сари назар қилиб тараҳхум эт.* (Бобур)

Бу-са-ри-ға	гу-зар-қи-либ	қо-шим-ға-ет,
V — V — V — V — V — V —		
Ме-нинг-са-ри	на-зар-қи-либ	та-раҳ-ху-мэт.
V — V — V — V — V — V —		
<i>ма-фо-и-лун</i>	<i>ма-фо-и-лун</i>	<i>ма-фо-и-лун.</i>

*Кел эй рафиқи гулрўй, кетур раҳиқи гулранг,
Ўзинг ичиб менга қуй, кўтар наво тузиб чанг.*
(Бобур)

Ке-лэй-ра-фи қи-гул-рўй, ке-тур-ра-ҳи қи-гул-ранг,
 V – V – V – ~ V – V – V – ~
 Ў-зинг-и-чиб ме-нга-қуй, кў-тар-на-во ту-зиб-чанг.
 V – V – V – ~ V – V – V – ~
 ма-фо-и-лун ма-фо-ийл ма-фо-и-лун ма-фо-ийл.

*Ҳар дам манга юз жафо қилурсан,
 Минг дардга мубтало қилурсан. (Огаҳий)*

Ҳар дам ма	нга юз жа фо	қи лур сан,
– – V	V – V –	V – –
Минг дар д	га муб та ло	қи лур сан.
– – V	V – V –	V – –
<i>мафъ-у-лу</i>	<i>ма-фо-и-лун</i>	<i>фа-у-лун</i>

Ушбу мисолларга эътибор қилинса биринчи байт вазни бир хил зиҳоф рукн *ма-фо-и-лун* (асл рукннинг сифат ўзгаришига учраши)дан, иккинчи байт икки хил рукн *ма-фо-и-лун*, *ма-фо-ийл* (асл рукннинг сон ва сифат ўзгаришига учраши)дан, учинчи мисол байтимиз эса *мафъ-у-лу*, *ма-фо-и-лун*, *фа-у-лун* (асл рукннинг сон ва сифат ўзгаришига учраши, бунда *мафъ-у-лу* «Ма-фо-ий-лун» аслининг «харб» – вайрон қилиш зиҳофига учраши, яъни «ма» қисқа ҳижонинг туширилиши, охирги чўзиқ ҳижо «лун»нинг қисқариши натижасида қолган фо-ий-лу ифодаси учун қабул қилинган)дан иборат уч хил зиҳоф рукнлардан ташкил топган. Уларнинг барчаси «ма-фо-ий-лун» аслидан ҳосил бўлган зиҳоф рукнлар ҳисобланади. Ифодада аввал асл рукндан ҳосил бўлувчи баҳрнинг номи, сўнгра зиҳоф рукнларнинг номи ўзгариш тартибига кўра кетма-кет ифода этилади. Буни тушиниб олиш учун юқоридаги учинчи байтга диққат қилайлик. «Ма-фо-ий-лун» аслида аввал «харб», кейин «қабз», сўнгида «ҳизф» ўзгаришлари юз берган. Шундан келиб чиқиб уш бу байт вазни ифодаси «Ҳазажи мусаддас(такрор олтита)и ахраби мақбузи маҳзуф» деб белгиланади. Бу каби зиҳоф ўзгаришлар ҳар бир баҳрда бир неча хил кўринишларни ташкил этади.

5. Тармоқ рукнлар

Асл рукнлар ва уларнинг зиҳоф ўзгаришлари баъзан мисралардаги хилма-хил бўлақларни тўғри ўлчаш учун етарли

бўлмайди. Шу сабабли асл рукнларнинг турли хил ўзгаришларга учрашидан ҳосил бўлган зиҳоф рукнлар яна сифат жиҳатидан ўзгартирилади. Натижада, янги қўшимча рукнлар пайдо бўлади ва булар **тармоқ рукнлар** деб юритилади. Классик шеърятимизда «**фоилотун**» ҳамда «**мустафъилун**» аслларининг ўзгаришга учрашидан ҳосил бўлган зиҳоф рукнларда бундай қайта ўзгаришлар кузатилади ва уларга кўплаб дуч келинади. Масалан, Рамал баҳрини ташкил этувчи «фо-и-ло-тун» аслининг «ҳазф» зиҳофига учрашидан (охирги «лун» қисми ташланади ва қолган «фо-и-ло» учун унга тенг «фо-и-лун» олинади) юзга келган маҳзуф кўриниши «фо-и-лун»нинг яна «хабн» ўзгаришига учраши биринчи чўзиқ «фо»ни қисқа «фа»га айлантирилиши сўнггида янги тармоқ рукн «фа-и-лун» ҳосил қилинади. **Махбуни маҳзуф** деб юритилади. Шунингдек, «**Махбуни мақсур**», «**Махбуни мақтуъ**», «**Махбуни мақтуъи мусаббағ**» каби тармоқ рукнлари ана шундай тармоқ рукнлар ҳисобланади ва айтилганидек уларга кўплаб дуч келинади.

Таянч сўзлар:

1. **Рафиқ** — дўст.
2. **Раҳиқ** — соф, тиниқ май.
3. **Чанг** — чолғу асбоби, чангал, чангак.
4. **Гулрўй** — гўзал юзли.

Саволлар:

1. Арузда зиҳофлар нимани англатади?
2. Асл рукнларнинг ўзгариш сабаби қандай изоҳланади?
3. Асл рукннинг сон жиҳатидан ўзгариши қандай, сифат жиҳатидан ўзгариши-чи?
4. Сон ва сифат жиҳатидан ўзгаришга учраса, асл рукнларда нима юз беради?
5. Асл рукн ўзидан ҳосил бўлган зиҳоф рукнлар билан ёнма ён келиши мумкинми?
6. Шеър вазни фақат зиҳоф рукнлардан ташкил топган бўлиши мумкинми?
7. Асл рукнда кетма-кет бир неча ўзгаришлар юз берса, вазнифодаси қандай белгиланади?
8. Тармоқ рукнлар нима, улар қандай ҳосил бўлади?

ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА КЕНГ ҚўЛЛАНИЛГАН БАХРЛАРНИНГ ЗИХОФ КўРИНИШЛАРИ

Режа:

1. Мутадорик баҳри (фо-илун) зиҳофлари.
2. Мутақориб баҳри (фа-у-лун) зиҳофлари.
3. Ҳазаж баҳри (ма-фо-ий-лун) зиҳофлари.
4. Ражаз баҳри (мус-тафъ-и-лун) зиҳофлари.
5. Рамал баҳри (фо-и-ло-тун) зиҳофлари.
6. Мужтасс баҳри (мус-тафъ-и-лун + фо-ило-тун) зиҳофлари.
7. Ҳафиф баҳри (фо-и-ло-тун + мус-тафъ-и-лун) зиҳофлари.
8. Музориъ баҳри (ма-фо-ий-лун + фо-и-ло-тун) зиҳофлари.
9. Мунсариҳ баҳри (мус-тафъ-и-лун + мафъ-у-ло-ту) зиҳоф-лари.
10. Сариъ баҳри (2 та мус-тафъ-и-лун + 1 та мафъ-у-ло-ту) зиҳофлари.

Олдин айтилганидек, аруз тизимида мавжуд 21 баҳрдан клас-сик шеъриятимизда 10 та баҳр вазни фаол қўлланилиб келинган. Уш бу баҳрлар ва уларга хос зиҳоф ўзгаришларга тўхталамиз.

1. Мутадорик баҳри (фо-и-лун) зиҳофлари

Мутадорик – арабча бир-бирига уланувчи деган маънони англатади ва «фо-и-лун» рукнининг такрорига асосланади. Бу баҳр классик шеъриятда нисбатан камроқ қўлланилса-да Навоий, Огаҳий, Машраб, Ҳувайдо асарларида учрайди. Унинг асосан 8 руктли мусамман ва 16 руктли тармоқларига дуч келинади. Бу тармқ рукнлар қуйидагилардир.

➤ **Фа-и-лун** – «фоилун» асл рукнининг «хабн» (қисқа қилиш) зиҳофига дуч келиши, яъни биринчи чўзиқ ҳижони қисқага айлантирилиши натижасида ҳосил бўлади ва **махбун** деб юритилади.

*Келмади мирагим, қондурур юрагим,
Қондурур юрагим, келмади мирагим.* (Бобур)

Кел-ма-ди ми-ра-гим, қон-ду-рур ю-ра-гим,
– V – V – – – V – V – –

Қон-ду-рур ю-ра-гим, кел-ма-ди ми-ра-гим.
 — V — V — — — V — V — —
 фо-и-лун фа-и-лун фо-и-лун фа-и-лун

Вазни: Мутадорики мусаммани махбун.

Мазкур байтда бир рукн солим, бир рукн махбун. Мутадо-
 рики мусаммани махбун.

Қуйидаги байт худди шу «**мутадорики махбун**» зиҳофининг
 16 рукнли вазн кўринишини ифода этади.

*Ту-ну-кун караминг ўқини отасан ҳама олам элини ишона қилиб,
 Вале навбат агар манга етса хато қиласан неча навъи баҳона қилиб.*
 (Огаҳий)

Ту-ну-кун ка-ра-минг ў-қи-ни о-та-сан ҳа-ма-о ла-мэ-ли
 V V — V V — V V — V V — V V — V V —
 ни-ни-шо на қи-либ,
 V V — V V —
 Ва-ле-нав ба-та-гар ма-нга-ет са-ха-то қи-ла-сан не-ча-нав
 V V — V V — V V — V V — V V — V V —
 иъ-ба-ҳо на-қи-либ
 V V — V V —

➤ **Фаъ-лун** — «фоилун» асл рукнининг «қатъ» (кесиш) ўзга-
 ришига дуч келиши, яъни охирги ҳижонинг туширилиши ва
 иккинчи қисқа ҳижо «и» ни чўзиққа айлантирилиши натижаси-
 да ҳосил бўлади. **Мақтуъ** деб юритилади.

*Борғил эй ҳамдам ҳар ёни,
 Кўнглим итмиш, топғил они.* (Навоий)

Бор-ғил эй-ҳам дам-ҳар ё-ни,
 — — — — — — — —
 Кўнг-лим ит-миш, топ-қил о-ни.
 — — — — — — — —
 фаъ-лун фаъ-лун фаъ-лун фаъ-лун

Вазни: Мутадорики мусаммани мақтуъ.

➤ **Фа-и-лон** — «фоилун» асл рукнининг махбун тармоғи «фа-

и-лун»нинг «изола» (этакни қўйиш,узайтириш) зиҳофи билан ўзгартирилиши. Бунда охирги чўзиқ ҳижо «лун» ўта чўзиқ ҳижо «лон»га айлантиради. Махбуни музол дейилади:

*Рашки хуршиди анвар бўлубтур юзунг,
Фитнаи шаҳри кишвар бўлубтур кўзунг.* (Бобур)

Раш-ки-хур	ши-ди-ан	вар-бў-луб	тур-ю-зунг,
— V —	— V —	— V —	— V —
Фит-на-и	шаҳ-ри-киш	вар-бў-луб	тур-кў-зунг
— V —	— V —	— V —	— V —
фо-и-лун	фо-и-лун	фо-и-лун	фа-и-лон

2. Мутақориб баҳри (фа-у-лун) зиҳофлари

Мутақориб арабча — бир бирига яқинлашув деган маънони англатади ва «фа-у-лун» асл рукнининг такрорига асосланади. У туркий шеърятда нисбатан қадимий вазн саналади. Лирик шеърятда ҳам, достончиликда ҳам кенг қўлланилиб келинган. «Мезон ул-авзон»да Навоий бу баҳрнинг 11 вазнига тўхталган. Бобур эса «Мухтасар» асарида 24 вазнини келтиради. Шулардан 8 тасидан фойдаланиб келинган. Бу ўринда кўп дуч келишимиз мумкин бўлган 6 хил вазнга тўхталамиз:

➤ **Фаъ-лун** (— —). «Фа-у-лун» рукни «салм» — (бузиш) зиҳофи билан ўзгартирилса, биринчи қисқа ҳижо тушади, қолган «у - лун» (— —) қисми ўзига тенг «фаъ-лун» рукни билан ифода этилади. **Аслам** дейилади.

*Нигорим сенсиз қарорим йўқдур,
Қарорим сенсиз нигорим йўқдур.* (Бобур)

Ни-го-рим	сен-сиз	қа-ро-рим	йўқ-дур,
V — —	— —	V — —	— —
Қа-ро-рим	сен-сиз	ни-го-рим	йўқ-дур.
V — —	— —	V — —	— —
фа-у-лун	фаъ-лун	фа-у-лун	фаъ-лун

Вазни: «Мутақориб мусаммани аслам»

➤ **Фаъ-лу** (— V). «Фа-у-лун» асл рукни «сарам» (олдинги тишини синдириш) зиҳофи билан ўзгартирилганда; биринчи қисқа ҳижо «фа» туширилади ва охирги чўзиқ ҳижо «лун» қисқарти-

рилади «лу», натижада қолган «у – лу» (– V) ўзига тенг «Фаъ-лу» кўринишида ифодаланеди ва **Асрам** деб юритилади.

*Ишқ ғамидин асру хазинмен,
Сабр комидин асру ғаминмен.* (Бобур)

И-шқ	ға-ми-дин	ас-ру	ха-зин-мен,
– V	V – –	– V	V – –
Са-бр	ко-ми-дин	ас-ру	ға-мин-мен.
– V	V – –	– V	V – –
<i>фаъ-лу</i>	<i>фа-у-лун</i>	<i>фаъ-лу</i>	<i>фа-у-лун</i>

Вазни: «Мутақориби мусаммани асрам»

➤ **Фа-у-лу** (V – V). «Фа-у-лун» асл рукни «қабз» (ушлаш, ушланган) зиҳофига учрайди охириги чўзиқ ҳижо «лун» қис-қаради «лу», натижада «фа-у-лу» ҳосил бўлади ва **мақбуз** деб юритилади.

*Билинг муни давлат гар ўлса муяссар,
Раҳиқи мураввақ рафиқ сухандар.* (Бобур)

Би-линг-му	ни-дав-лат	га-рўл-са	му-яс-сар,
V – V	V – –	V – V	V – –
Ра-ҳи-қи	му-ра-вақ	ра-фи-қ	су-хан-дар.
V – V	V – –	V – V	V – –
<i>фа-у-лу</i>	<i>фа-у-лун</i>	<i>фа-у-лу</i>	<i>фа-у-лун</i>

Вазни: «Мутақориби мусаммани мақбуз»

➤ **Фа-ал** (V –). «Фа-у-лун» асл рукни «ҳазф» (ташлаш) зи-ҳофи билан ўзгартирилганда; охириги чўзиқ ҳижо «лун» тушри-лади ва қолган «фа-у» қисми ўзига тенг «фа-ал» рукнида ифода этилади. **Маҳзуф** деб юритилади.

*Қади шоҳи гулдек нигорим қани,
Лаби ғунчадек гулузорим қани.* (Бобур)

Қа-ди-шо	ҳи-гул-дек	ни-го-рим	қа-ни,
V – –	V – –	V – –	V –
Ла-би-ғун	ча-дек-гул	у-зо-рим	қа-ни.
V – –	V – –	V – –	V –
<i>фа-у-лун</i>	<i>фа-у-лун</i>	<i>фа-у-лун</i>	<i>фа-ал</i>

Вазни: «Мутақориби мусаммани маҳзуф»

➤ **Фа-у(в)л** (V ~). «Фа-у-лун» асл рукни «қаср» (қисқа қилиш) зиҳофи билан ўзгартирилганда; охири чўзиқ ҳижо «лун» тушрилади ва иккинчи чўзиқ ҳижо «у» ўта чўзиққа айлантирилади. **Фа-у(в)л** ҳосил бўлади. **Мақсур** деб юритилади.

*Жаҳон золи ҳам макр этар ҳам нифоқ,
Они тўрт мазҳабда қил уч талоқ.* (Навоий)

Жа-ҳон-зо	ли-ҳам-мак	рэ-тар-ҳам	ни-фоқ,
V — —	V — —	V — —	V ~
А-ни-тў	рт-маз-ҳаб	да-қил-уч	та-лоқ.
V — —	V — —	V — —	V ~
фа-у-лун	фа-у-лун	фа-у-лун	фа-у(в)л

Вазни: «Мутақориби мусаммани мақсур»

➤ **Фа-у-лон** (V — ~). «Фа-у-лун» асл рукнининг охири чўзиқ ҳижоси «лун»ни «тасбиғ» — тўлдириш йўли билан «лон» шаклида ўта чўзиқ талаффуз қилиш оқибатида юзага келади. **Мусаббағ** деб юритилади.

*Зиҳи секрибон чарх уза раҳнавардинг,
Назар топмайин тўтиёлиққа гардинг.* (Навоий)

Зи-ҳи-сек	ри-бон-чар	ху-за-раҳ	на-вар-динг,
V — —	V — —	V — —	V — ~
На-зар-топ	ма-йин-тў	ти-ё-лиқ	қа-гар-динг.
V — —	V — —	V — —	V — ~
фа-у-лун	фа-у-лун	фа-у-лун	фа-у-лон

Вазни: «Мутақориби мусаммани мусаббағ»

Мутақориб баҳрига хос мазкур зиҳоф ўзгаришларни эсда сақлаб қолишга мўлжаллаб қисқа ва содда ҳолга келтирамиз, имкон қадар ёд оламиз:

1. Фа-у-лун «салм» — бузиш — «у-лун» — фаъ-лун (V —) → **Аслам**.
2. Фа-у-лун «сарам» — олд.тиш.синдириш — «у-лу» — фаъ-лу (— V) → **Асрам**.

3. Фа-у-лун «**қабз**» – ушлаш – фа-у-лу (V – V) → **Мақбуз.**

4. Фа-у-лун «**ҳазф**» – ташлаш – «фа-у» – фа-ал (V –) → **Маҳзуф.**

5. Фа-у-лун «**қаср**» – қисқа қилиш – «фа-у» – фа-у(в)л (V ~) → **Мақсур.**


6. Фа-у-лун «**тасбиғ**» – тўлдириш – фа-у-лон (V – ~) → **Мусаббағ.**

Таянч сўзлар:

1. *Асру* – жуда кўп, бениҳоя.
2. *Хазин* – ғамгин.
3. *Ком* – тилак, истак.
4. *Раҳиқ* – соф, тиниқ май.
5. *Мураввақ* – сузиб тозаланган.
6. *Сухандар* – ширин сўз.
7. *Раҳнавард* – йўл очувчи.
8. *Зиҳи* – яхши, гўзал.

Саволлар:

1. *Мутақориб сўзи қандай маъно англатади?*
2. *Мутақориб баҳри қайси асл рукнга асосланади?*
3. *Навоий ва Бобур ушбу баҳр билан боғлиқ нечта вазнини кўрсатади?*
4. *Мутақориб баҳри қандай зиҳоф рукнларга эга ва улар қандай ҳосил қилинган?*



3. Ҳазаж баҳри (ма-фо-ий-лун) зиҳофлари

Ҳазаж (арабча – овозни ёқимли қилиш дегани) баҳри «ма-фо-ий-лун» асл рукннинг такроридан ҳосил бўлган, классик шеърятимизда анча кўп қўлланилган вазн туридир. Навоий бу баҳрга тегишли 46 вазннинг, Бобур эса 105 вазннинг мавжудлигини кўрсатиб ўтади. Бу вазн XIV асрдан бошлаб шеърятимиздан муносиб ўрин олган бўлса, XX асргача бўлган шеърятда ҳам кенг ва барқарор қўлланилиб келинган.¹ Уларнинг аксарияти асосан олти ва саккиз рукнли вазнлар ҳисобланади. Ҳазаж баҳри рукни «ма-фо-ий-лун» 12 хил ўзгаришга учрайди ва 12 хил вазни юзага келтиради.

➤ **Ма-фо-и-лун** (V – V –). «Ма-фо-ий-лун» асл рукни «қабз» (ушлаш) зиҳофи билан ўзгартирилганда, учинчи чўзиқ ҳижо «ий»нинг қисқа ҳижо «и»га ўзгартирилишидан ҳосил бўлади, **Мақбуз** деб аталади.

*Сенингча кимдадур сафо, сенингча кимдадур бало,
Менингча ким қилур вафо, менингча ким чекар жафо.*

Се-нинг-ча-ким да-дур-са-фо, се-нинг-ча-ким да-дур-ба-ло,
V – – – V – – – V – – – V – V –
Ме-нинг-ча-ким қи-лур-ва-фо, ме-нинг-ча-ким че-кар-жа-фо.
V – – – V – – – V – – – V – V –
ма-фо-ий-лун ма-фо-ий-лун ма-фо-ий-лун ма-фо-и-лун

Вазни: **Солим**, аруз ва зарб **мақбуз**. «Ҳазажи мусаммани мақбуз».

➤ **Ма-фо-ий-лу** (V – – V). «Ма-фо-ий-лун» асл рукнидаги бу хил ўзгариш рукн охиридаги сокин ҳарфни «кафф» – қайтариш туфайли туширилиши ёки чўзиқ ҳижо «лун»ни қисқа ҳижога қайтарилишидан ҳосил бўлган. **Макфуф** деб юритилади.

*Юзи бирла ул ой қадди бири сарву бири лола,
Хати бирла анинг хадди бири маҳу бири ҳола.*

Ю-зи-бир-ла у-лой-қад-ди би-ри-сар-ву би-ри-ло-ла,
V – – V V – – – V – – V V – – –

¹ Кенгроқ маълумот учун қаранг: А.Ҳожиаҳмедов. «Ўзбек арузи луғати» 194 б.

Ха-ти-бир-ла а-нинг-хад-ди би-ри-мо-ху би-ри-ҳо-ла.
 V — — V V — — — V — — V V — — —
ма-фо-ий-лу ма-фо-ий-лун ма-фо-ий-лу ма-фо-ий-лун

Вазни: Бир рукни **макфуф**, бир рукни **солим**. «Ҳазажи мусаммани макфуф».

➤ **Мафъ-у-лун** (— — —). «Ма-фо-ий-лун» асл рукни «харм» бурнини кесиш зиҳофига учрашидан ҳосил бўлган зиҳоф рукн бўлиб, биринчи қисқа ҳижо «ма» туширилган, қолган «фо-ий-лун» қисми ўзига тенг «мафъ-у-лун» рукни билан ифодаланган. **Аҳрам** деб юритилади.

*То олди кўнгулларни ул юз била ул гесу,
 Кундуз элга не ором, кеча элга не уйқу.* (Бобур)

То-ол-ди кў-нгул-лар-ни ул-юз-би ла-ул-ге-су,
 — — — V — — — — — — — V — — —
 Кун-дуз-эл га-не-о-ром, ке-ча-эл га-не уй-қу.
 — — — V — — — — — — — V — — —
мафъ-у-лун ма-фо-ий-лун мафъ-у-лун ма-фо-ий-лун

Вазни: Бир рукн **аҳрам**, бир рукни **солим**. «Ҳасажи мусаммани аҳрам».

➤ **Мафъ-у-лу** (— — V). Бу зиҳоф рукн «Ма-фо-ий-лун» асл рукнини «харб»-вайрон қилиш, яъни биринчи ҳижо «ма» туширилади, «фо-ий-лун» қолади, бундан охириги «лун» чўзиқ ҳижо қисқага айлантиради, натижада «фо-и-лу» ҳосил бўлади ва бу ўзига тенг «мафъ-у-лу» рукнида ифодаланади, **Аҳраб** деб юритилади.

*То олғали кўнглимни ул юз била ул гесу,
 Кундуз манга не ором, кеча манга не уйқу.* (Бобур)

То-ол-ға ли-кўнг-лим-ни ул-юз-би ла-ул-ге-су,
 — — V V — — — — — — — V V — — —
 Кун-дуз-ма нга-не-о-ром, ке-ча-ма нга-не-уй-қу.
 — — V V — — — — — — — V V — — —
мафъ-у-лу ма-фо-ий-лун мафъ-у-лу ма-фо-ий-лун

Вазни: Бир рукн **ахраб**, бир рукни **солим**. «Ҳазажи мусаммани ахраб».

➤ **Ма-фо-ийл** (V – – ~). «Ма-фо-ий-лун» асл рукни «қаср» (қисқа қилиш) зиҳофига учрайди. Бунда охирги чўзиқ ҳижо «лун» туширилади, қолган «ма-фо-ий»дан охирги чўзиқ ҳижо «ий» ўта чўзиқ талаффуз қилинади ва «ма-фо-ийл» рукни билан ифодаланади, **Мақсур** деб юритилади.

*Юзунг уза қаро зулфунг недур бил эй дилафрўз,
Йилоне ганж уза ётиб они сохлар шабу рўз.* (Бобур)

Ю-зунг-у-за қа-ро-зул-фунг не-дур-бил-эй ди-лаф-рўз,
V – – – V – – – V – – – V – ~
Йи-ло-не-ганж у-за-ё-тиб о-ни-сох-лар ша-бу-рўз.
V – – – V – – – V – – – V – ~
ма-фо-ий-лун ма-фо-ий-лун ма-фо-ий-лун ма-фо-ийл.

Вазни: **Солим**, аруз ва зарб **мақсур**. «Ҳазажи мусаммани мақсур».

➤ **Фо-и-лун** (– V –). «Ма-фо-ий-лун» асл рукнини «шатар»-айбли қилиш зиҳофига учраши бўлиб, бунда биринчи ҳижо «ма» туширилади, «фо-ий-лун» қолади, бундан «ий» ҳижоси қисқага айлантирилади, натижада «фо-и-лун» ҳосил бўлади ва **Аштар** деб юритилади:

*Гофил ўлма, эй соқий, гул чоғин ғанимат тут,
Вақти айш эрур боқий, ол чоғир, кетур бот тут.* (Бобур)

Го-фи-лўл ма,-эй-со-қий, гул-чо-ғин ға-ни мат тут,
– V – V – – – – V – V – – –
Вақ-ти-айш эр-ур-бо-қий, ол-чо-ғир, ке-тур-бот-тут.
– V – V – – – – V – V – – –
фо-и-лун ма-фо-ий-лун фо-и-лун ма-фо-ий-лун

Вазни: Бир рукн **аштар**, бир рукни **солим**. «Ҳазажи мусаммани аштар».

Юқорида таъкидланганидек, айрим байт ва ғазалларнинг вазни «ма-фо-ий-лун» аслининг зиҳоф ўзгаришларга учраган

рукнларида бўлиши мумкин. Бунда баҳр номи сақлангани ҳолда зиҳоф ўзгаришлар кетма-кет ифода этилиб борилади. Масалан, қуйидаги байтда шундай ҳодиса кузатилади:

*Ёр бордию кўнглимда анинг нози қолибдур,
Андоғки, қулогим тўла овози қолибдур.* (Навоий)

Ёр-бор-ди ю-кўнг-лим-да а-нинг-но-зи қо-либ-тур,
 — — V V — — V V — — V V — —
 Ан-доғ-ки, қў-ло-ғим-тў ла-о-во-зи қо-либ-тур.
 — — V V — — V V — — V V — —
мафъ-у-лу ма-фо-ий-лу ма-фо-ий-лу фа-у-лун

Байтнинг вазни «ма-фо-ий-лун» аслининг биринчи **ахраб**, иккинчиси **макфуф**, учинчиси **маҳзуф** зиҳофига учрашидан ҳосил бўлган. Байтнинг вазн «Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф»дир.

Ҳазаж баҳрига хос зиҳоф ўзгаришлар унинг «мусаддас» тармоғи учун ҳам айнан хос. Шунинг учун иккита мисол келтириш билан кифояланамиз.

➤ **Фа-у-лун** (— V —). Бу рукн «ма-фо-ий-лун» асл рукнини «ҳазф» (ташлаш) зиҳофига учрашидан ҳосил бўлган. Охириги чўзиқ ҳижо «лун» тушрилади ва қолган «ма-фо-ий» қисми ўзига тенг «фа-у-лун» рукнида ифода этилади, **Маҳзуф** деб юритилади.

*Керакмас жон манга жонондин айру,
Киши нетсун баданни жондин айру.* (Мунис)

Ке-рак-мас-жон	ма-нга-жо-нон	дин-ай-ру,
V — — —	V — — —	— V —
Ки-ши-нет-сун	ба-дан-ни-жон	дин-ай-ру.
V — — —	V — — —	— V —
<i>ма-фо-ий-лун</i>	<i>ма-фо-ий-лун</i>	<i>фа-у-лун</i>

Вазни: «Ҳасажи мусаддаси маҳзуф».

➤ **Мафойил** (V — ~). Бу рукн «ма-фо-ий-лун» асл рукнини «қаср» зиҳофига учрашидан ҳосил бўлган. Охириги чўзиқ ҳижо

«лун» тушрилади ва учинчи чўзиқ ҳижо «ий» ўта чўзиққа айлантирилади. **Мақсур** деб юритилади.

*Кунгил то оразингга бўлди муштоқ,
Кўзимда гаҳ қизил гулдур, гаҳи оқ.* (Лутфий)

Кў-нгил-то-о	ра-зинг-га-бўл	ди-муш-тоқ,
V — — —	V — — —	V — ~
Кў-зим-да-гаҳ	қи-зил-гул-дур,	га-ҳи-оқ.
V — — —	V — — —	V — ~
<i>ма-фо-ий-лун</i>	<i>ма-фо-ий-лун</i>	<i>ма-фо-ийл</i>

Куйидаги байтнинг вазни эса «Ма-фо-ий-лун» аслининг биринчи **ахраб**, иккинчиси **мақбуз**, учинчиси **маҳзуф** зиҳофи-га учрашидан ҳосил бўлган вазн «Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф»дир.

*Кўзунг не бало қаро бўлуптур,
Ким жонга қаро бало бўлуптур.* (Навоий)

Кў-зунг-не	ба-ло-қа-ро	бў-луп-тур,
— — V	V — V —	V — —
Ким-жон-га	қа-ро-ба-ло	бў-луп-тур.
— — V	V — V —	V — —
<i>мафъ-у-лу</i>	<i>ма-фо-и-лун</i>	<i>фа-у-лун</i>

Ҳазаж баҳрига хос юқорида келтирилган, асосан ғазалларда қўлланилган зиҳоф ўзгаришларни эсда сақлаб қолишга мўлжаллаб қисқа ва содда ҳолга келтирамиз ва буларни ҳам имкон қадар ёд оламиз:

1. Ма-фо-ий-лун «**харм**» (бурнини кесиш) — фо-ий-лун — мафъ-у-лун ⇔ **Ахрам**.

2. Ма-фо-ий-лун «**ҳазф**» (ташлаш) — ма-фо-ий = фа-у-лун ⇔ **Маҳзуф**.

3. Ма-фо-ий-лун «**қабз**» (ушлаш) — ма-фо-и-лун ⇔ **Мақбуз**.

4. Ма-фо-ий-лун «**қаср**» (қисқартириш) — ма-фо-ийл ⇔ **Мақсур**.

5. Ма-фо-ий-лун «**кафф**» (қайтариш) — ма-фо-ий-лу
⇒ **Макфуф**.

6. Ма-фо-ий-лун «**шатар**» (айбли қилиш) — фо-и-лун
⇒ **Аштар**.

7. Ма-фо-ий-лун «**харб**» (вайрон қилиш) — фо-ий-лу =
мафъ-у-лу ⇒ **Ахраб**.

8. Ма-фо-ий-лун «**хатм**» (тишини тагидан синдириш) — ма-
фо = фа-у(в)л ⇒ **Ахтам**.

«Фа-у(в)л» сингари қолган «фа-ал», «фаъ», «фоъ» зиҳоф-
лари рубоий вазнларида, охирги рукнлар аруз ва зарбда
қўлланилади.

Таянч сўзлар:

1. *Гесу* — соч.

3. *Рўз* — кун.

2. *Шаб* — қоронғи.

4. *Чоғир* — май, шароб.

Саволлар:

1. Ҳазаж сўзи қандай маъно англатади?

2. Ҳазаж баҳри қайси асл рукн такрорига асосланади?

3. Ҳазаж баҳрининг мусаддас ва мусамман тармоқлари қандай?

4. Навоий ва Бобур ушбу баҳр билан боғлиқ нечта вазни кўрса-
тади?

5. Ҳазаж баҳри қандай зиҳоф рукнларга эга ва улар қандай
ҳосил қилинган?

6. Асл рукн кетма-кет бир неча зиҳоф ўзгаришларга учраган
бўлса, қандай ифода этилади?



4. Ражаз баҳри – (мус-тафъ-и-лун) зиҳофлари

Ражаз (арабча – тезлик, изтироб) баҳри «мус-тафъ-и-лун» асл рукннинг такрорланишига асосланади. Уш бу баҳр ҳам шеърятимизда қўлланилган. Навоий «Мезон ул-авзон» да бу баҳрнинг 13 вазнга, Бобур «Мухтасар»да эса 63 вазнга эга эканлигини кўрсатганлар. Арузшунос олим Анвар Ҳожиаҳмедов шеърятимизда ражаз баҳрининг саккиз рукнли тўрт вазнидангина фойдаланиб келинганини айтади¹.

➤ **Ма-фо-и-лун** (V – V –). Бу зиҳоф рукн «мус-тафъ-и-лун» аслининг «хабн» – этакни йиғиш, қисқартириш учун тикиш зиҳофига учрашидан ҳосил бўлган. Яъни биринчи чўзиқ ҳижо «мус» қисқа ҳижо «му»га айлантиради, ҳосил бўлган «мутафъ-и-лун» ўзига тенг «ма-фо-и-лун» рукнида ифода этилади. **Махбун** деб юритилади.

*Онсиз бу жонни не қилай, жонсиз жаҳонни не қилай,
Жонсиз жаҳонни не қилай, онсиз бу жонни не қилай.*

(Бобур)

Он-сиз-бу-жон ни-не-қи-лай, жон-сиз-жа-ҳон ни-не-қи-лай,
– – V – V – V – – – V – V – V –
Жон-сиз-жа-ҳон ни-не-қи-лай, он-сиз-бу-жон ни-не-қи-лай.
– – V – V – V – – – V – V – V –
мус-тафъ-и-лун ма-фо-и-лун мус-тафъ-и-лун ма-фо-и-лун

Кўринадики, байтда бир рукн **солим**, бир рукн **махбун** (ҳашв, аруз ва зарб юқоридагича зиҳофга учраган) вазнидаги «Ражази мусаммани махбун»дир.

Мана бу байт эса тўлиғича «хабн» йўли билан ҳосил қилинган зиҳоф рукн «ма-фо-и-лун» вазнидадир:

*Вафо меҳр таркэтиб жафоу жавр кўрсатур.
Улусқа яхшидур нетай, манга бутавр кўрсатур.*

(Бобур)

Ва-фо-ме-ҳр та-рк-э-тиб жа-фо-у-жав р-кўр-са-тур.
V – V – V – V – V – V – V – V –

¹ Қаранг: «Ўзбек аруз лугати» 105-бет.

У-лус-қа-ях ши-дур-не-тай, ма-нга-бу-тав р-кўр-са-тур.
 V – V – V – V – V – V – V – V –
 ма-фо-и-лун ма-фо-и-лун ма-фо-и-лун ма-фо-и-лун

Бундай ҳолларда ҳам мазкур зиҳоф рукн «мус-тафъ-и-лун» аслининг «хабн» зиҳофига учрашидан ҳосил бўлганлиги учун «Ражазии мусаммани махбун» деб юритилади.

➤ **Муф-та-и-лун** (– V V –). Бу зиҳоф кўриниш «мус-тафъ-и-лун» аслининг «тайй» – йиғиш маъносидаги ўзгаришга учрашидан, яъни асл рукндаги иккинчи «тафъ» чўзиқ ҳижо қисқа ҳижо «та»га айлантирилади ва ҳосил бўлган «мус-та-и-лун» ўзига тенг «муф-та-и-лун» рукнида ифода этилади ва **Матвий** дейилади.

*Меҳру вафони тарк этиб, жавру жафо кўрсатмагил,
 Бизга суриб тиғи ситам элга даъво кўрсатмагил.*

(Навоий)

Меҳ-ру-ва-фо ни-тар-кэ-тиб, жав-ри-жа-фо кўр-сат-ма-гил,
 – V V – – – V – – – V V – – – V –
 Биз-га-су-риб ти-ғи-си-там эл-га-даъ-во кўр-сат-ма-гил.
 – V V – – – V – – – V V – – – V –
 муф-та-и-лун мус-тафъ-и-лун муф-та-и-лун мус-тафъ-и-лун

Вазни: Бир рукн **матвий**, бир рукн **солим** – «Ражазии мусаммани матвий».

Куйидаги байт тўлиғича «тайй» йўли билан ҳосил қилинган зиҳоф рукн «муф-та-и-лун» такроридан юзага келган. Бу ҳам «Ражазии мусаммани матвий» дейилади.

*Кел бери эй рашки қамар, лаъли лабинг нек шакар,
 Фурқатинг ўтинда кўнгил чекди сипеҳр узра шарар.*

(Навоий)

Кел-бе-ри-эй раш-ки-қа-мар, лаъ-ли-ла-бинг не-к-ша-кар,
 – V V – – – V V – – – V V – – – V V –
 Фур-қа-ти-нгў тин-да-кў-нгил чек-ди-си-пехр уз-ра-ша-рар.
 – V V – – – V V – – – V V – – – V V –
 муф-та-и-лун муф-та-и-лун муф-та-и-лун муф-та-и-лун

Эътибор қилинг! «Мус-тафъ-и-лун» аслининг «хабн» ва «тай» зихофлари бир байт ёки бир ғазалда бир пайтнинг ўзида юз бериши мумкин. Бундай ҳолларда аввал қайси ўзгариш бўлганига қараб икки хилда «махбуни матвий» ҳамда «матвийи махбун» кўринишида ифода этилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам алоҳида янги вазн пайдо бўлади.

*Бу дардима чора нетай, чу ёр дардимни билур,
Ишимга не фикр этай, чу ёр фикримни қилур.* (Бобур)

Бу-дар-ди-ма чо-ра-не-тай, чу-ё-р-дар дим-ни-би-лур,
 V — V — — V V — V—V — — V V —
 И-шим-га-не фик-р-э-тай, чу-ё-р-фик рим-ни-қи-лур.
 V — V — — V V — V—V — — V V —
 ма-фо-и-лун муф-та-и-лун ма-фо-и-лун муф-та-и-лун

Вазни: аввалги бир рукн **махбун**, бир рукни **матвий**. Шунинг учун «Ражази мусаммани махбуни матвий» деб юритилади.

*Гар аламимга чора йўқ бўлмаса бўлмасун нетай,
Вар ғамима шумора йўқ бўлмаса бўлмасун нетай.*
(Навойи)

Гар-а-ла-мим га-чо-ра-йўқ бўл-ма-са-бўл ма-сун-не-тай,
 — V V — V — V — — V V — V — V —
 Вар-ға-ми-ма шу-мо-ра-йўқ бўл-ма-са-бўл ма-сун-не-тай.
 — V V — V — V — — V V — V — V —
 муф-та-и-лун ма-фо-и-лун муф-та-и-лун ма-фо-и-лун

Бу байт вазни аввалгисидан фарқли, олдинги рукн матвий, кейинги рукни махбун. Шунинг учун «Ражази мусаммани матвийи махбун» деб юритилади.

➤ **Мус-тафъ-и-лон** (— V ~). «Мус-тафъ-и-лун» аслининг «изола» — этакни қўйиш йўли билан ҳосил қилинган зихоф рукн бўлиб, охирги чўзиқ рукн «лун»ни ўта чўзиқ «лон»га айланган.

*Кел эй пари рухсорким ҳаддин итибдур иштиёқ,
Гар васлингга еткурмасанг ўлтиргусидур фироқ.* (Бобур)

Кел-эй-па-рий рух-со-р-ким ҳад-ди-ни-тиб дур иш-ти-ёқ,
 — — V — — — V — — — V — — — V ~

Гар-вас-ли-нг га-ет-ку-рма санг-ўл-ти-ргу си-дур-фи-роқ.
 — — V — — — V — — — V — — — V ~
 мус-тафъ-и-лун мус-тафъ-и-лун мус-тафъ-и-лун мус-тафъ-и-лон

Вазни: **Солим**, аруз ва зарб **музол**. «Ражази мусаммани музол»дир.

➤ **Ма-фо-и-лон** (V — V ~). Бу зиҳоф рукн «мус-тафъ-и-лун» аслининг икки зиҳоф ўзгаришга учраши сўнгида ҳосил бўлган. Биринчи, асл рукн «хабн» — этакни йиғиш, қисқартириш учун тикиш йўли билан (биринчи чўзиқ ҳижо «мус» қисқа ҳижо «му»га айлантиради, ҳосил бўлган «му-тафъ-и-лун» ўзига тенг «ма-фо-и-лун» рукнида ифода этилади.) «ма-фо-и-лун» ҳосил қилинган ва бу «изола» — этакни йиғиш йўли орқали «**ма-фо-и-лон**»га айлантирилган. Ҳар икки ўзгариш ифодаси учун **Махбуни музол** деб юритилади.

*Жавру жафони қўй, дағи бизга вафо қил эй, нигор,
 Лутфу карам қилиб, бу дардимга даво қил эй, нигор.*

(Бобур)

Жав-ру-жа-фо ни-қўй,-да-ғи биз-га-ва-фо қи-лэй,-ни-гор,
 — — V — — — V — — — V — V — V ~
 Лут-фу-ка-рам қи-либ,-бу-дар Дим-ға-да-во қил-эй,-ни-гор.
 — — V — — — V — — — V — V — V ~
 мус-тафъ-и-лун мус-тафъ-и-лун мус-тафъ-и-лун ма-фо-и-лон

Вазни: **Солим**, аруз ва зарб **музол**. «Ражази мусаммани **Махбуни музол**»дир.

Гарчи классик шеърятимизда кам қўлланилган бўлсада уш бу баҳрнинг мураббаъ ва мусаддас кўринишларига ҳам дуч келинади. Жумладан, Муқимий ва Завқийларнинг «Саёҳатнома-лар»и ушбу баҳрнинг «мураббаи солим» ҳамда «мураббаи музол» вазнларида яратилган:

*Қолмай шаҳарда тоқатим,
 Қишлоқ чиқардим одатим. («Саёҳатнома»)*

Қол-май-ша-ҳар да-то-қа-тим,
 — — V — — — V₁ —
 Қиш-лоқ-чи-қар ди-мо-да-тим.
 — — V — — — V —
 мус-тафъ-и-лун мус-тафъ-и-лун

Бобур уш бу баҳрнинг мусаддас кўринишидаги **солим, мах-бун, матвий, махбуни матвий, матвийи махбун, матвийи музол** сингари бир неча вазнларни мисоллар асосида кўрсатади. Бу ўринда солим кўринишини кўрсатиш билан чекланамиз:

*Ҳажрингда эй гулчеҳра беҳад зормен,
Қон ичра фарқа гул киби афгор мен.* (Бобур)

Ҳаж-ринг-да-эй гул-чеҳ-ра-бе ҳад-зо-р-мен,
— — V — — — V — — — V —
Қон-ич-ра-ғар қа-гул-ки-би аф-го-р-мен.
— — V — — — V — — — V —
мус-тафъ-и-лун мус-тафъ-и-лун мус-тафъ-и-лун

Ражаз баҳрига хос юқорида келтирилган зиҳоф ўзгаришларни ҳам тартиби билан келтирамиз. Имкон қадар эсда сақлашга ҳаракат қилиш лозим.

1. **Ма-фо-и-лун.** Мус-тафъ-и-лун «**хабн**» (этакни йиғиш) му-тафъ-и-лун ⇔ ма-фо-и-лун → **Махбун.**
2. **Муф-та-и-лун.** Мус-тафъ-и-лун «**тайй**» (йиғиш) мус-та-и-лун ⇔ муф-та-и-лун → **Матвий.**
3. **Ма-фо-и-лун.** Мус-тафъ-и-лун «**музол**» (этакни кўйиш) му-тафъ-и-лун има-фо-и-лун → **Музол.**
4. **Ма-фо-и-лон.** Мус-тафъ-и-лун «**хабн**» (этакни йиғиш) ма-фо-и-лун, «**изола**» ма-фо-и-лон → **Махбуни музол.**

Таянч сўзлар:

1. **Тавр** — сурат, ҳол.
2. **Нек** — яхши, гўзал.
3. **Супеҳр** — осмон.
4. **Шарар** — учқун.

Саволлар:

1. Ражаз сўзи қандай маъно англатади?
2. Ражаз баҳри қайси асл рукн такрорига асосланади?
3. Ражаз баҳрининг мураббаъ ва мусамман тармоқлари қандай?
4. Навоий ва Бобур ушбу баҳр билан боғлиқ нечта вазни кўрсатади?
5. Ражаз баҳри қандай зиҳоф рукнларга эга ва улар қандай ҳосил қилинган?
6. Асл рукн бир пайтнинг ўзида бир неча ўзгаришларга учраши мумкинми?

5. Рамал баҳри (фо-и-ло-тун) зиҳофлари

Рамал баҳри (арабча – туяни лўқкиллаши деган маънони беради.) «фо-ило-тун» аслининг такроридан ҳосил қилинган, Шарқ шеъриятида, хусусан, ўзбек шеъриятидаги энг кўп қўлланилган вазн ҳисобланади. Мусаддас ва мусамман кўринишларида келади. «Мезон ул-авзон» да бу баҳрнинг 13 та, «Мухтасар»да 59 та вазни келтирилади. Шулардан 42 тасидан ижодкорлар кенг фойдаланишган. Улар «фо-и-ло-тун» асли, ҳамда шу рукндан ҳосил бўлган зиҳоф рукнларнинг турлича такрорланишига асосланади. Шунингдек, уларнинг 6 таси бир ўзгариш, 4 таси икки хилда ўзгаришларга учрашдан ҳосил бўлган.

➤ **Фо-и-лун** (– V –). Асл рукннинг «**ҳазф**» (ташлаш) зиҳофига учрашдан юзага келган, жуда кўп учрайдиган зиҳоф рукн ҳисобланади. «Фо-и-ло-тун» дан охириги ҳижо «лун» ташлангач, «фо-и-ло» қолади ва бу ўзига тенг «фо-и-лун» тарзида ифода этилади. **Маҳзуф** деб юритилади.

*Уйқуда бир кун висолингни кўрар кун бормукин,
Субҳи хуршиди жамолингни кўрар кун бормукин.*

(Нодира)

Уй-ку-да-бир кун-ви-со-линг ни-кў-рар-кун бор-му-кин,
– V – – – V – – – V – – – V –
Суб-ҳи-хур-ши ди-жа-мо-линг ни-кў-рар-кун бор-му-кин.
– V – – – V – – – V – – – V –
фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-лун

Вазн ифодаси: **Солим**, аруз ва зарб **маҳзуф**. «Рамали мусаммани маҳзуф».

➤ **Фа-и-ло-тун** (V V – –). Асл рукннинг «хабн» (қисқартириш) йўли билан ҳосил қилинган. Биринчи чўзиқ ҳижо «фо» қисқа «фа»га айлантирилган. **Махбун** дейилади.

*Ишқ таркига қилурсен туну кун кўнглима тухмат,
Ки, отин тутмағай эл, тутса бир оин била шухрат.*

(Навоий)

И-шқ-тар-ки га-қи-лур-сен ту-ну-кун-кўнг ли-ма-тух-мат,
– V – – V V – – – V – – – V V – –

Ки,-о-тин-тут ма-га-йэл,-тут са-би-ро-ин би-ла-шуҳ-рат.
 — V — — V V — — — V — — V V — —
фо-и-ло-тун фа-и-ло-тун фо-и-ло-тун фа-и-ло-тун

Вазн ифодаси: Бир рукн **солим**, бир рукни **махбун**. «Рамали мусаммани махбун».

➤ **Фо-и-ло-ту** (— V — V). «**Кафф**» (қайтариш), яъни «фо-и-ло-тун» дан охирги чўзиқ ҳижо «лун»ни қисқа ҳижо «лу»га қайта-ришдан ҳосил бўлган зиҳоф рукндир. **Макфуф** деб юритилади.

*Ким қилур вафо менингча, ким чекар жафо менингча,
 Кимдадур сафо сенингча, кимдадур бало сенингча.*

(Бобур)

Ким-қи-лур-ва фо-ме-нинг-ча, ким-че-кар-жа фо-ме-нинг-ча,
 — V — V — V — V — V — V — V — V — —
 Ким-да-дур-са фо-се-нинг-ча, ким-да-дур-ба ло-се-нинг-ча.
 — V — V — V — V — V — V — V — V — —
фо-и-ло-ту фо-и-ло-ту фо-и-ло-ту фо-и-ло-тун

Вазн ифодаси: **макфуф**, аруз ва зарб **солим**. «Рамали мусам-мани солими макфуф».

➤ **Фа-и-ло-ту** (V V — V). Бу рукн «фо-и-ло-тун» аслини «шакл» (тушовлаш), яъни биринчи «фо» ва тўртинчи «тун» чўзиқ ҳижоларни қисқа ҳижо «фа ва ту»га айлантирилиши сўнггида ҳосил бўлган зиҳоф рукн ҳисобланади. **Машкул** деб юритилади.

*Яна шўълалиғ кўнгилни ғаминг этти пора-пора,
 Буки бутрашур, эрур поралари эмас шарора.* (Навоий)

Я-на-шўъ-ла лиғ-кў-нгил-ни ға-ми-нгэт-ти по-ра-по-ра,
 V V — V — V — — V V — V — V — —
 Бу-ки-бут-ра шур,-э-рур-по ра-ла-ри-э мас-ша-ро-ра.
 V V — V — V — — V V — V — V — —
фа-и-ло-ту фо-и-ло-тун фа-и-ло-ту фо-и-ло-тун

Вазн ифодаси: Бир рукн **машкул**, бир рукни **солим**, «Рама-ли мусаммани солими машкул».

➤ **Фо-и-ло-тон** ёки **фо-и-лий-ён** (– V – ~). Бунда «фо-и-ло-тун» аслининг охирги чўзиқ ҳижоси «тун» «тасбиғ» – тўлдириш усулида ўта чўзиқ ҳижо «тон»га айлантирилади. **Мусаббағ** деб юритилади.

*Ваҳ неча жисмимни ғамдин нотавон этгай фироқинг,
Нотавон жисмимга ҳар дам қасди жон этгай фироқинг.*
(Бобур)

Ваҳ-не-ча-жис мим-ни-ғам-дин но-та-вон-эт гай-фи-ро-қинг,
– V – – – V – – – V – – – V – ~
Но-та-вон-жис мим-ға-ҳар-дам қас-ди-жон-эт гай-фи-ро-қинг.
– V – – – V – – – V – – – V – ~
фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-лий-ён

Вазн ифодаси: **солим**, аруз ва зарб **мусаббағ**. «Рамали мусаммани солими мусаббағ».

➤ **Фо-и-лот** ёки **фо-и-лон** (– V ~). Асл рукн «фо-и-ло-тун»-нинг «қаср» – қисқартириш зиҳофига учраши – охирги ҳижо «тун»дан «ун» қисми туширилади, қолган қисми фо-и-лот ёки фо-и-лон қисқарган маъносида **Мақсур** дейилади.

*Дилрабо, лаълинг шароби оби кавсардин латиф,
Қоматинг нахли доғи сарву санубардин латиф.* (Атоий)

Дил-ра-бо,-лаъ линг-ша-ро-би о-би-кав-сар дин-ла-тиф,
– V – – – V – – – V – – – V ~
Қо-ма-тинг-нах ли-да-ғи-сар ву-са-ну-бар дин-ла-тиф.
– V – – – V – – – V – – – V ~
фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-лон

Вазн ифодаси: **солим**, аруз ва зарб **мақсур**. «Рамали мусаммани солими мақсур».

Эътибор қилинг! Рамал баҳрига тегишли келтирганимиз 6 зиҳоф рукнда «фо-и-ло-тун» асли бир хил (сон ё сифат) ўзгаришларга учраган. Қолган «**фа-и-лон**, **фа-и-лун**, **фа-и-лий-ён**, **фаъ-лон**»лардан иборат 4 рукн бу 6 рукндан жиддий фарқ қилади. Чунки, булар «фо-и-ло-тун» аслининг ўзгаришга учрашидан эмас, балки унинг ўзгарган кўриниши зиҳоф рукнлар-

нинг яна қайта ўзгаришидан ҳосил бўлган тармоқ рукнлар ҳисобланади. Шунинг учун вазн ифодаси «махбуни мақсур» тарзида икки хил ном билан аталади. Бошқача айтганда рукн битта, аммо шу бир рукн икки хил ўзгариш натижасида юзага келганлиги учун аталиши иккита номда бўлади. Бу тармоқ рукнлар «солими махбун» ҳамда «махбун» деб аталувчи икки хил шохобчага бўлинади. «Солими махбун» дейилишига сабаб рукнларнинг бирида асл рукн «фо-и-ло-тун» ўзгаришсиз иштирок этади. «Махбун» тармоғида эса асл рукн қатнашмайди, унинг ўрнида ҳам махбун зиҳоф рукни «фа-и-ло-тун» келади. Ифодада «Солими мухбуни маҳзуф», «Махбуни маҳзуф» тарзида кўрсатилади.

➤ **Фа-и-лон** (V V ~). «Фо-и-ло-тун» аслини «қаср» зиҳофига учрашидан ҳосил бўлган «фо-и-лон» яна «хабн» зиҳофига учрайди ва биринчи ҳижоси чўзиқ «фо» қисқа «фа»га ўзгаради. **Махбуни мақсур** деб юритилади.

*Айладим тун кеча хилват аро жонон била базм,
Қилгай ул навъики, бир хаста бадан жон била базм.*
(Огаҳий)

Ай-ла-дим-тун ке-ча-хил-ват а-ро-жо-нон би-ла-базм,
- V - - V V - - - V - - V V ~
Қил-га-йул-навъ и-ки,-бир-хас та-ба-дан-жон би-ла-базм.
- V - - V V - - - V - - V V ~
фо-и-ло-тун фа-и-ло-тун фо-и-ло-тун фа-и-лон

Вазн ифодаси: **солим**, ҳашв **махбун**, аруз ва зарб **махбуни мақсур**. «Рамали мусаммани солими махбуни мақсур».

➤ **Фа-и-лун** (V V -). «Фо-и-ло-тун» аслининг маҳзуф кўриниши «фо-и-лун»нинг яна «хабн» ўзгаришига учраши, биринчи чўзиқ «фо»ни қисқа «фа»га айлантирилиши. **Махбуни маҳзуф** дейилади.

*Ёр келгач манга душман бўлури билмас эдим,
Йўқса тун-кун тилабон васл, дуо қилмас эдим.* (Навоий)

Ё-р-ке-лгач ма-нга-душ-ман бў-лу-рин-бил ма-сэ-дим,
- V - - V V - - - V V - - V V -

Йўқ-са-тун-кун ти-ла-бон-ва сл,-ду-о-қил ма-сэ-дим.
 — V — — V V — — V V — — V V —
фо-и-ло-тун фа-и-ло-тун фа-и-ло-тун фа-и-лун

Вазн ифодаси: **солим**, ҳашв махбун, аруз ва зарб **махбуни мақсур**. «Рамали мусаммани солими махбуни маҳзуф».

➤ **Фа-и-лий-ён** (V V — ~). «Фо-и-ло-тун» аслининг мусаббаг кўриниши «фо-и-лий-ён»ни яна «хабн» зиҳофига учраши, биринчи чўзиқ «фо» қисқа «фа»га айланган. **Махбуни мусаббаг** дейилади.

➤ **Фаъ-лон** (— ~). «Фо-и-ло-тун» аслининг мақтуъ кўриниши «фаъ-лун» «тасбиғ» зиҳофига учрайди. Иккинчи чўзиқ «лун» ўта чўзиқ «лон»га айлантирилади. **Мақтуъи мусаббаг** дейилади.

*Ийди жон топғай эдим кешида бўлсам қурбон,
 Чун онинг дарди эрур хаста кўнгилга дармон.*

(Ҳайдар Хоразмий)

Ий-ди-жон-топ ға-йэ-дим-ке ши-да-бўл-сам қур-бон,
 — V — — V V — — V V — — — ~
 Чун-о-нинг-дар ди-э-рур-хас та-кў-нгил-га дар-мон.
 — V — — V V — — V V — — — ~
фо-и-ло-тун фа-и-ло-тун фа-и-ло-тун фаъ-лон

Вазн ифодаси: **солим**, ҳашв **махбун**, аруз ва зарб **мақтуъи мусаббаг**. «Рамали мусаммани солими махбуни мақтуъи мусаббаг».

Келтирилган вазнлар рамал баҳрининг мусаддас кўринишларига ҳам бевосита тегишли. Шу сабабдан уларнинг айримларига муурожаат этамиз.

*Эй жамолингдин хижил хуришиди анвар,
 Қоматингдин мунфаъил сарву санавбар.* (Навоий)

Эй-жа-мо-линг дин-хи-жил-хур ши-ди-ан-вар,
 — V — — — V — — — V — —
 Қо-ма-тин-дин мун-фаъ-ил-сар ву-са-нав-бар.
 — V — — — V — — — V — —
фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун

Вазн ифодаси: «Рамали мусаддаси солим».

*Тушди савдойи муҳаббат бошима,
Ор этар мардум келурға қошима.* (Машраб)

Туш-ди-сав-до йи-му-ҳаб-бат бо-ши-ма,
— V — — — V — — — V —
О-рэ-гар-мар дум-ке-лур-ға қо-ши-ма.
— V — — — V — — — V —
фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-лун

Вазн ифодаси: «Рамали мусаддаси маҳзуф».

**Рамал баҳрига хос зиҳоф ўзгаришларнинг
жамланган кўриниши:**

1. **Фо-и-лун.** Фо-и-ло-тун. «ҳазф» (ташлаш) — фо-и-ло — «фо-и-лун». → **Маҳзуф.**
2. **Фа-и-ло-тун.** Фо-и-ло-тун. «хабн» (қисқартириш) — фа-и-ло-тун. → **Махбун.**
3. **Фо-и-ло-ту.** Фо-и-ло-тун. «кафф» (қайтариш) — фо-и-ло-ту. → **Макфуф.**
4. **Фа-и-ло-ту.** Фо-и-ло-тун. «шакл» (тушовлаш) — фа-и-ло-ту. → **Машкул.**
5. **Фо-и-ло-тон.** Фо-и-ло-тун. «тасбиғ» (тўлдириш) — фо-и-ло-тон. → **Мусаббағ.**
6. **Фо-и-лон.** Фо-и-ло-тун. «қаср» (қисқа қилиш) — фо-и-лот «фо-и-лон». → **Мақсур.**
7. **Фаъ-лун.** Фо-и-ло-тун. «қатъ» (кесиш) — фо-и «фаъ-лун». → **Мақтуъ.**
8. **Фа-и-лон.** Фо-и-ло-тун. «қаср» (қисқа қилиш) — фо-и-лот «фо-и-лон»дан «хабн» (қисқартириш) «фа-и-лон». → **Махбуни мақсур.**
10. **Фа-и-лун.** Фо-и-ло-тун. «ҳазф» (ташлаш) — фо-и-ло = «фо-и-лун»дан «хабн»(қисқатириш) «фа-и-лун». → **Махбуни маҳзуф.**
11. **Фа-и-лий-йон.** Фо-и-ло-тун. «тасбиғ» (тўлдириш) — «фо-и-ло-тон»дан «хабн» (қисқартириш) «фа-и-лий-йон». → **Махбуни мусаббағ.**
12. **Фаъ-лон.** Фо-и-ло-тун. «қатъ» (кесиш) — фо-и «фаъ-лун»дан «тасбиғ» (тўлдириш) фаъ-лон. → **Мақтуъи мусаббағ.**

Таянч сўзлар:

1. **Оин** — одат, тарз.
2. **Бутрамак** — тарқamoқ.
3. **Оби кавсар** — жаннат суви.
4. **Нахл** — кўчат.
5. **Мунфаил** — ҳижолатли.
6. **Мардум** — киши, халқ.

Саволлар:

1. Рамал сўзи қандай маъно англатади?
2. Рамал баҳри қайси асл рукн такрорига асосланади?
3. Рамал баҳрининг мураббаъ ва мусамман тармоқлари қандай?
4. Навоий ва Бобур ушбу баҳр билан боғлиқ нечта вазни кўрсатади?
5. Рамал баҳри қандай зиҳоф рукнларга эга ва улар қандай ҳосил қилинган?
6. Вазн ифодасида «мсаҳбуни мақсур», «махбун маҳзуф» каби-лар нимани англатади?



6. Мужтасс баҳри (мус-тафъ-и-лун + фо-и-ло-тун) зи-хофлари

Мужтасс (арабча – юлиниш) баҳри қўшалок рукнли бахрлардан бўлиб, «мус-тафъ-и-лун» ва «фо-и-ло-тун» аслларининг биргаликдаги такрорланишидан ҳосил бўлади. «Мезон ул-авзон»да тўққиз, «Мухтасар»да йигирма вазни қайд этилади. Шулардан эса 5 таси мумтоз шеърятимизда кенг қўлланилиб келинган.

➤ **Ма-фо-и-лун + фа-и-ло-тун.** (V – V – + V V – –). Мужтасс баҳрига тегишли ушбу тармоқ рукннинг биринчи рукни **ма-фо-и-лун** «мус-тафъ-и-лун» аслининг «хабн» этакни йиғиш, қисқартириш учун тикиш, яъни биринчи чўзиқ ҳижо «мус» қисқа ҳижо «му»га айлантрилади, ҳосил бўлган «му-тафъ-и-лун» ўзига тенг «ма-фо-и-лун» рукнида ифода этилиши, иккинчи рукн **фа-и-ло-тун** «фо-и-ло-тун» аслининг «хабн» зиҳофига учраши, яъни биринчи чўзиқ ҳижо «фо»ни қисқа ҳижо «фа»га айлантрилишидан ҳосил бўлган зиҳоф рукнлар ҳисобланишади. Ҳар икки асл рукн «хабн» усулида ўзгаришга учраганлиги учун **Махбун** дейилади.

*Кўзунг хаёлида йўқтур балодин ўзга мусоҳиб,
Висолинг орзусида ҳам дуодин ўзга мусоҳиб. (Атоий)*

Кў-зунг-ха-ё ли-да-йўқ-тур ба-ло-ди-нўз га-му-со-ҳиб,
V – V – V V – – V – V – V V – –
Ви-со-ли-нгор зу-си-да-ҳам ду-о-ди-нўз га-му-со-ҳиб.
V – V – V V – – V – V – V V – –
ма-фо-и-лун фа-и-ло-тун ма-фо-и-лун фа-и-ло-тун

Вазн ифодаси: **махбун**. «Мужтасси мусаммани махбун».

Шу ўринда таъкидламоқчимизки, бундан кейин келадиган «ма-фо-и-лун», «фа-и-ло-тун» рукнларини изоҳсиз келтирамиз. Вазнлардаги **фа-и-лун, фа-и-лон, фаъ-лун, фаъ-лон** «хабн» тармоғи сифатида такрорланиб келаверади.

➤ **Ма-фо-и-лун + фа-и-ло-тун - фа-и-лун.**
(V – V – + V V – – + V V –)

Бу ерда **фа-и-лун** «фо-и-ло-тун» аслининг **махбуни махзуф** тармоғи ҳисобланади. Яъни, «фо-и-ло-тун» асл рукни «ҳазф» (таш-

лаш) зиҳофига учраши сўнгида қолган фо-и-ло ўрнига ифода учун қабул қилинган «фо-и-лун»нинг яна «хабн» (қисқартириш) зиҳофига учраши натижасида ҳосил бўлган рукндир.

*Нигори гулбаданимни тушимда кўрсам эдим,
Лаби шакаршиканимни тушимда кўрсам эдим.* (Нодира)

Ни-го-ри-гул ба-да-ним-ни ту-шим-да-кўр са-мэ-дим,
V – V – V V – – V – V – – V –
Ла-би-ша-кар ши-ка-ним-ни ту-шим-да-кўр са-мэ-дим.
V – V – V V – – V – V – – V –
ма-фо-и-лун ма-и-ло-тун ма-фо-и-лун фа-и-лун

Вазн ифодаси: **махбун**, аруз ва зарб **махбуни маҳзүф**. «Муж-тасси мусаммани махбуни маҳзүф».

➤ **Ма-фо-и-лун + фа-и-ло-тун - фа-и-лон.**
(V – V – + V V – – + V V ~)

Ушбу рукнли байтларнинг вазни олдинги байтдан «фа-и-лун» махбуни маҳзүф ўрнида «фа-и-лон» – махбуни мақсур рукнининг ўрин алмашиб келиши билан фарқланади. «Фо-и-ло-тун» асли «қаср» (қисқа қилиш) зиҳофига учраши натижасида охириги ҳижо «тун»нинг «ун» қисми олиб ташланади. «Фо-и-лот» қолади. Байтларда «фо-и-лот», «фо-и-лон» алмаштириб қулланаверади. «Фа-и-лон» шу зиҳоф рукнларнинг яна «хабн» (қисқартириш) ўзгаришига учраган кўриниши ҳисобланади.

*Рамида кўнглим эзур ишқ мубталоси ҳануз,
Бошимда бор ул сарв қад ҳавоси ҳануз.* (Навоий)

Ра-ми-да-кўнг ли-мэ-рур-иш қ-муб-та-ло си-ҳа-нуз,
V – V – V V – – V – V – V V ~
Бо-шим-да-бо р-ду-рул-сар в-қад-ҳа-во си-ҳа-нуз.
V – V – V V – – V – V – V V ~
ма-фо-и-лун фа-и-ло-тун ма-фо-и-лун фа-и-лон

Вазн ифодаси: **махбун**, аруз ва зарб **махбуни мақсур**. «Муж-тасси мусаммани махбуни мақсур» дейилади.

➤ **Ма-фо-и-лун + фа-и-ло-тун - фа-и-лий-йон.**

(V - V - + V V - - + V V - ~)

Бу ердаги **фа-и-лий-йон** «фо-и-ло-тун» аслининг «**тасбиғ**» (тўлдириш) зиҳофига учраши сўнгида ҳосил бўлган «фо-и-ло-тон» зиҳофининг яна «**хабн**» (қисқартириш)га дуч келишидир. **Махбуни мусаббағ** дейилади.

*Юзи гулу сочи сунбул, қади суман, хати райҳон,
Лаб узра хати зумрад, хат ичра лаби маржон.* (Бобур)

Ю-зи-гу-лу со-чи-сун-бул, қа-ди-су-ман, ха-ти-рай-ҳон,
V - V - V V - - V V - - V V - ~

Ла-бу-з-ра ха-ти-зум-рад, ха-тич-ра-лаб ла-ри-мар-жон.

V - V - V V - - V V - - V V - ~
ма-фо-и-лун фа-и-ло-тун фа-и-ло-тун фа-и-лий-йон

Вазн ифодаси: **махбун**, аруз ва зарб **махбуни мусаббағ**. «Мужтасси мусаммани махбуни мусаббағ» дейилади.

➤ **Ма-фо-и-лун + фа-и-ло-тун - фаъ-лун.**

(V - V - + V V - - + - -)

Фаъ-лун. «Фо-и-ло-тун» аслининг «қатъ» (кесиш) зиҳофига дуч келиши бўлиб, «фо-и-ло-тун»дан **ло-тун** қисми кесилади, **фо-и** қолади ва бундан қисқа ҳижо «и» чўзиққа айлантиради. Ҳосил бўлган фо-ий «фаъ-лун» тарзида истифода этилади.

*Қаро кўзум келу мардумлиғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.* (Навоий)

Қа-ро-кў-зум ке-лу-мар-дум ли-ғэм-ди-фан қил-ғил,
V - V - V V - - V - V - - -

Кў-зум-қа-ро си-да-мар-дум ки-би-ва-тан қил-ғил.

V - V - V V - - V - V - - -
ма-фо-и-лун фа-и-ло-тун ма-фо-и-лун фаъ-лун

Вазн ифодаси: **махбун**, аруз ва зарб **мақтуъ**. «Мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ» дейилади.

➤ **Ма-фо-и-лун + фа-и-ло-тун - фаъ-лон.**

(V - V - + V V - - + - ~)

Фаъ-лон юқорида келтирганимиз «фаъ-лун»нинг яна «**тасбиғ**» тўлдириш зиҳофига учраши натижаси бўлиб, **мақтуъи мусаббағ** деб юритилади.

*Қиё-қиё боқишинг банда қилди эй дилдор,
Табассум айлаганинг олди сабр бирла қарор.* (Фурқат)

Қи-ё-қи-ё бо-қи-шинг-бан да-қил-ди-эй дил-дор,
V - V - V V - - V - V - - ~
Та-бас-су-май ла-га-нинг-ол ди-сабр-би-рла қа-рор.
V - V - V V - - V - V - - ~
ма-фо-и-лун фа-и-ло-тун ма-фо-и-лун фаъ-лон

Вазн ифодаси: **махбун**, аруз ва зарб **мақтуъи мусаббаф**. «Муж-тасси мусаммани махбуни мақтуъи мусаббаф».

Мужтасс баҳрига тегишли зиҳоф ўзгаришларнинг жамланган кўриниши:

1. Ма-фо-и-лун + фа-и-ло-тун.

«Мус-тафъ-и-лун» «хабн» – «этакни йиғиш»дан му-тафъ-и-лун = **ма-фо-и-лун** «фо-и-ло-тун» «хабн» = **фа-и-ло-тун**.

→ **Махбун.**

2. Ма-фо-и-лун + фа-и-ло-тун - фа-и-лун.

«Мус-тафъ-и-лун»дан «хабн» **ма-фо-и-лун**,

«фо-и-ло-тун»дан «хабн» **фа-и-ло-тун**,

«фо-и-ло-тун»дан «ҳазф» (ташлаш) **фо-и-ло** = «фо-и-лун».

Фо-и-лундан «хабн» = **фа-и-лун**. → **Махбуни маҳзуф.**

3. Ма-фо-и-лун + фа-и-ло-тун - фа-и-лон

«Мус-тафъ-и-лун»дан «хабн» **ма-фо-и-лун**,

«фо-и-ло-тун»дан «хабн» **фа-и-ло-тун**,

«фо-и-ло-тун»дан «қаср» (қисқа қилиш)- **фо-и-лот** = «фо-и-лон»

фо-и-лондан «хабн» (қисқартириш) «фа-и-лон».

→ **Махбуни мақсур.**

4. Ма-фо-и-лун + фа-и-ло-тун - фа-и-лий-йон

«Мус-тафъ-и-лун»дан «хабн» **ма-фо-и-лун**,

«фо-и-ло-тун»дан «хабн» **фа-и-ло-тун**,

Фо-и-ло-тундан «тасбиғ» – «фо-и-ло-тон»дан «хабн» «фа-и-лий-йон». → **Махбуни мусаббаф.**

5. Ма-фо-и-лун + фа-и-ло-тун - фаъ-лун

«Мус-тафъ-и-лун»дан «хабн» **ма-фо-и-лун**,

«фо-и-ло-тун»дан «хабн» **фа-и-ло-тун**,
«Фо-и-ло-тун»дан «қатъ» (кесиш)- фо-и = «фаъ-лун»
→ **Махбуни мақтуъ.**

6. Ма-фо-и-лун + фа-и-ло-тун - фаъ-лон

«Мус-тафъ-и-лун»дан «хабн» **ма-фо-и-лун**,
«фо-и-ло-тун»дан «хабн»,

«Фо-и-ло-тун»дан «қатъ» - фо-и = «фаъ-лун»дан «тасбиғ»
фаъ-лон. → **Махбуни мақтуъ.**

Таянч сўзлар:

1. *Мусоҳиб* — дўст.
2. *Шакаршикан* — ширин сўз.
3. *Рамида* — ҳуржкан, чўчиган.

Саволлар:

1. *Мужтасс сўзи қандай маъно англатади?*
2. *Мужтасс баҳри қайси асл рукнларнинг қандай такрорига асосланади?*
3. *Мужтасс баҳрига хос кўпвазинлилик дейилганда нима тушинилади?*
4. *Навоий ва Бобур ушбу баҳр билан боғлиқ нечта вазни кўрса-тади ва уларнинг нечтасидан кўпироқ фойдаланиб келинган?*
5. *Мужтасс баҳри қандай зиҳоф рукнларга эга ва улар қандай ҳосил қилинган?*
6. *Мужтасс баҳрида унинг зиҳоф рукнлари биргаликда қўлланилиши мумкинми?*



7. Хафиф баҳри (фо-и-ло-тун + мус-тафъ-и-лун) зиҳофлари

Хафиф (арабча – энгил) баҳри «фо-и-ло-тун» ва «мус-тафъ-и-лун» аслларининг биргаликда такрорига асосланади. Навоий уш бу баҳрнинг 5 та вазнини, Бобур 22 та вазнини кўрсатади. Шеърятимизда бу баҳрнинг мусаддас шакли кенг қўлланилиб келинган. Ҳазал, қитъа, фард каби лирик тур жанрлари баробарида дostonлар, жумладан Навоийнинг «Сабъаи сайёр» дostonи шу вазнда яратилган. Бу баҳр «солими махбун» ва «махбун» тармоқларига эга бўлиб, тармоқ ичига кирувчи рукнлар бир-биридан у даражада жиддий фарқ қилмайди, биргаликда қўлланаверади. Натижада баҳрга хос кўпвазинлилиқ хусусияти юзага келган. Қуйида ушбу баҳрнинг солим, солими махбун ва махбун ўлчовларини мисоллар асосида кузатамиз:

*Қайда эрдинг эй маҳвашим, шарҳ қилғил,
Ўлеум эрди гар бир замон келмасанг бил.* (Бобур)

Қай-да-эр-динг эй-маҳ-ва-шим, шар-ҳ-қил-ғил,
 — V — — — — V — — V — —
 Ўл-гу-мэр-ди гар-бир-за-мон кел-ма-санг-бил.
 — V — — — — V — — V — —
 фо-и-ло-тун мус-тафъ-и-лун фо-и-ло-тун

Сизга маълумки, баҳрни юзага келтирувчи рукнлар ўзгаришсиз такрорланса, солим (соғлом) дейилади. Шундан ушбу байт вазни: «Хафифи мусаддаси солим» бўлади. Бу баҳрнинг тармоқ рукнлари асл рукнларнинг юқорида кўрганимиз **махбун**, **матвий**, **маҳзуф**, **мақсур**, **мақтуъ**, **мақтуъи мусаббағ** сингари зиҳофлардан ташкил топади. Улар **солими махбун** ва **махбун** тармоқларидир. Аввал **солими махбун**, кейин **махбун** тармоғига мисол келтирамиз.

*Васлин ул ой манга маҳол қилибдур,
Ҳажридин мени хастаҳол қилибдур.* (Бобур)

Вас-ли-нул-ой ма-нга-ма-ҳо л-қи-либ-дур,
 — V — — — — V — V — — V V — —
 Ҳаж-ри-дин-ме ни-хас-та-ҳо л-қи-либ-дур.
 — V — — — — V — V — — V V — —
 фо-и-ло-тун ма-фо-и-лун фа-и-ло-тун

Байтнинг вазни «**Хафифи мусаддаси солими махбун**» бўлади. Сабаби, асл рукнлардан бири «фо-и-ло-тун» ўзгармаган — соғлом. Қолган икки рукн «хабн» зиҳофига учраган. Иккинчи рукн ма-фо-и-лун «мустафъилун» аслининг «хабн» қилиниши биринчи чўзиқ ҳижони қисқага ўзгариши натижасида қолган му-тафъ-и-лунга тенг вазн ўрнида қабул қилинган рукн, учинчи рукн фа-и-ло-тун «фо-и-ло-тун» аслининг «хабн» қилиниши-биринчи ҳижо «фо»ни қисқаришидан ҳосил бўлган. Шунинг учун аввал солим, сўнг махбун биргаликда **солими махбун** дейилади.

➤ **Фо-и-ло-тун + ма-фо-и-лун + фа-и-лун.**

(— V — — + V — V — + V V —).

Уш бу вазн шеърятимизда анча кенг қўлланган. **Фо-и-ло-тун** аслининг иштироки туфайли «солими махбун»га мансуб вазн ҳисобланади, аммо (биринчи икки рукн ҳақида юқорида тўхталдик.) учинчи рукн **фа-и-лун** «фо-и-ло-тун» аслининг аввал «ҳазф», сўнгра «хабн» ўзгаришларига учрашидан ҳосил бўлган. (**Эсланг! «Фо-и-ло-тун»дан «ҳазф» (ташлаш) сўнгида фо-и-ло қолади, бунга тенг «фо-и-лун» олинади. «Фо-и-лун»нинг яна «хабн» (қисқартириш) ўзгаришига учрашидан «фа-и-лун» юзага келади).**)

*Ютубон бу замонда қон шуаро,
Назм этар гавҳари фиғон шуаро.* (Мунис)

Ю-ту-бон-бу	за-мон-да-қон	шу-а-ро,
— V — —	V — V —	V V —
Наз-мэ-тар-гав	ҳа-ри-фи-ғон	шу-а-ро.
— V — —	V — V —	V V —
<i>Фо-и-ло-тун</i>	<i>ма-фо-и-лун</i>	<i>фа-и-лун</i>

Вазн ифодаси: бир рукн **солим**, бир рукн **махбун**, бир рукн **махбуни маҳзуф**. «Хафифи мусаддаси солими махбуни маҳзуф» бўлади.

➤ **Фа-и-ло-тун + ма-фо-и-лун + фа-и-лун.**

(V V — — + V — V — + V V —).

Эътибор қилинса ушбу вазн олдинги вазндаги «Фо-и-ло-тун» ўрнида унинг «хабн» зиҳофига учраган кўриниши «Фа-и-ло-тун»нинг келиши билан фарқланади. Натижада барча рукн-

лар «хабн» қилиш орқали ўзгарган зиҳоф рукнлардан иборат бўлиб қолмоқда. Шунинг учун бундай вазн Хафиф баҳрининг **солими махбун** эмас, **махбун тармоғи** дейилади.

*Гаҳи юзни қароқи оли била,
Жигарим қонидин қилар жигари.* (Лутфий)

Га-ҳи-юз-ни	қа-ро-қи-о	ли-би-ла,
√ √ — —	√ — √ —	√ √ —
Жи-га-рим-қо	ни-дин-қи-лар	жи-га-ри.
√ √ — —	√ — √ —	√ √ —
<i>фа-и-ло-тун</i>	<i>ма-фо-и-лун</i>	<i>фа-и-лун.</i>

Вазн ифодаси: «Хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф».

Хафиф баҳрига тегишли зиҳоф ўзгаришларнинг жамланган кўриниши:

1. Фо-и-ло-тун + ма-фо-и-лун + фа-и-лун.

Фо-и-ло-тун - солим. «Мустафъилун»дан «хабн» - му-тафъ-и-лун = **ма-фо-и-лун.**

«Фо-и-ло-тун»дан «ҳазф»-фо-и-ло = фо-и-лун, фо-и-лундан «хабн» - фа-и-лун. → **Солими махбуни маҳзуф.**

2. Фа-и-ло-тун + ма-фо-и-лун + фа-и-лун.

«Фо-и-ло-тун»дан «хабн» **фа-и-ло-тун,**

«Мус-тафъ-и-лун»дан «хабн» **ма-фо-и-лун,**

«Фо-и-ло-тун»дан «ҳазф» - фо-и-ло = «фо-и-лун».

Фо-и-лундан «хабн» **фа-и-лун.** → **Махбуни маҳзуф.**

Саволлар:

1. Хафиф сўзи қандай маъно англатади?
2. Хафиф баҳри қайси асл рукнларнинг қандай такрорига асосланади?
3. Хафиф баҳрига хос кўпвазнлилик қандай асарларда, қандай кўринишларда учрайди?
4. Навоий ва Бобур ушбу баҳр билан боғлиқ нечта вазни кўрса-тади ва уларнинг нечтасидан кўпироқ фойдаланиб келинган?
5. Хафиф баҳрининг неча рукнли вазн қўлланилган?
6. Хафиф баҳри қандай тармоқларга бўлинади?
7. Хафиф баҳри тармоқ рукнлари биргаликда қўлланилиши мумкинми?

8. Музориъ баҳри (ма-фо-ий-лун + фо-и-ло-тун) зиҳофлари

Музориъ (арабча — ўхшаш) баҳри «ма-фо-ий-лун» ва «фо-и-ло-тун» аслларини такроридан ҳосил бўлган баҳр ҳисобланади. Бу баҳрнинг «Мезон ул-авзон» да 12 та, «Мухтасар» да 24 та вазни борлиги айтилади. Мумтоз шеъиятимизда уш бу баҳрнинг саккиз рукни тўрт ўлчовидан кенг фойдаланилган.

➤ **Мафъ-у-лу + фо-и-ло-тун** (— — V + — V — —). Биринчи рукн «ма-фо-ий-лун» аслининг «харб»-вайрон қилиш (**биринчи қисқа ҳижо «ма» туширилгач «фо-ий-лун» қоган ва бундан охириги чўзиқ ҳижо «лун» қисқа «лу»га айлантирилган ва ҳосил бўлган фо-ий-лу га тенг мафъ-у-лу олинган.**) йўли билан ҳосил қилинган зиҳоф рукн, иккинчиси «фо-и-ло-тун» ўзгаришсиз — солим рукн. Бундай вазн қуйидаги кўринишга эга бўлади:

*Хуру пари юзидин рухсорингиз чиройлик,
Жаннат гулидин, эй гул, гулзорингиз чиройлик.* (Фурқат)

Ху-ру-па ри-ю-зи-дин рух-со-ри нгиз-чи-рой-лик,
— — V — V — — — — V — V — —
Жан-нат-гу ли-ди-нэй-гул, гул-зо-ри нгиз-чи-рой-лик.
— — V — V — — — — V — V — —
мафъ-у-лу фо-и-ло-тун мафъ-у-лу фо-и-ло-тун

Вазн ифодаси: бир рукн **ахраб**, бир рукн **солим**. «Музориъи мусаммани солими ахраб».

➤ **Ма-фо-ий-лу + фо-и-ло-ту + фо-и-лун.**
(V — — V + — V — V + — V —).

Бунда рукнлар юқорида келтирилган вазндан фарқли ҳар учови ҳам ўзгаришга учраган зиҳоф рукн. Биринчи, иккинчи рукнлар «ма-фо-ий-лун» ва «фо-и-ло-тун» аслларининг «кафф» — қайтариш (**охирги чўзиқ ҳижо «лун»нинг «лу» шаклида қисқага айлантирилиши**) ўзгаришига, учинчиси «фо-и-ло-тун» аслининг «ҳазф» — ташлаш (**охирги чўзиқ ҳижо «лун» туширилган ва қолган «фо-и-ло»га тенг фо-и-лун олинган**) ўзгаришига учрашидан ҳосил қилинган.

*Мени ишқ дилфигор агар қилса не қилай,
Мени ишқ беқарор агар қилса не қилай.* (Бобур)

Ме-ни-иш-қ дил-фи-го-р а-гар-қил-са не-қи-лай,
 V - - V - V - V V - - V - V -
 Ме-ни иш-қ бе-қа-ро-р а-гар-қи-лса не-қи-лай.
 V - - V - V - V V - - V - V -
 Ма-фо-ий-лу фо-и-ло-ту Ма-фо-ий-лу фо-и-лун

Шундан келиб чиққанда **макфуф**, аруз ва зарб **маҳзуф**.
 Вазнининг тўлиқ ифодаси: «Музориъи мусаммани макфуфи маҳзуф».

➤ **Мафъ-у-лу + фо-и-ло-ту + ма-фо-ий-лу + фо-и-лун**
 (- - V + - V - V + V - - V + - V -).

Бу вазнда биринчи рукн **мафъ-у-лу** юқорида кўрганимиздек, «ма-фо-ий-лун» аслининг «харб» — вайрон қилиш зиҳофига учраши, иккинчи ва учинчи рукнлар **фо-и-ло-ту** ва **ма-фо-ий-лу** «ма-фо-ий-лун» ва «фо-и-ло-тун» аслларининг «кафф»-қайтариш ўзгаришига учраши, охирги рукн **фо-и-лун** эса «фо-и-ло-тун» аслининг «ҳазф» — ташлаш ўзгаришига учрашидан ҳосил бўлган. Вазн ифодаси ана шу кетма-кет ўзгаришлардан келиб чиқилиб **ахраб, макфуф, маҳзуф** бирлигида «Музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф» тарзида ифода этилади.

*Келтурса юз балони ўшал бевафо манга,
 Келсун агар юзимни эвурсам бало манга.* (Бобур)

Кел-тур-са юз-ба-ло-ни ў-шал-бе-ва фо-ма-нга,
 - - V - V - V V - - V - V -
 Кел-сун-а гар-ю-зим-ни э-вур-сам-ба ло-ма-нга.
 - - V - V - V V - - V - V -
мафъ-у-лу фо-и-ло-ту ма-фо-ий-лу фо-и-лун

Шуни унутмаслик керакки, деярли барча баҳрларда **фо-и-лун, фа-и-лун, фа-и-лон, фаъ-лун, фаъ-лон** зиҳоф рукнларининг ўрин алмашиб келиши вазн ўзгариши ва ранг-баранглигига хизмат қилади. Шунинг учун уларнинг ҳосил бўлиши билан боғлиқ ўзгаришларни тўлиқ ўрганиш ва ёдда сақлаш керак бўлади. Бу хусусият Музориъ баҳри учун ҳам хосдир.

➤ **Мафъ-у-лу + фо-и-ло-ту + ма-фо-ий-лу + фо-и-лон.**
(— — V + — V — V + V — — V + — V ~).

Бу вазннинг олдинги кўрганимиздан фарқи «фо-и-ло-тун» аслининг «ҳазф» тармоғи **маҳзуф** ўрнида унинг «қаср» тармоғи (**Эсланг! Фо-и-ло-тун. «қаср» (қисқа қилиш) орқали «ун» қисми туширилади, натижада фо-и-лот қолади ва бу «фо-и-лон» кўри-нишида ифодага тортилган.**) **мақсур** келган.

*Йўқ манда фақр куйида дунёга эҳтиёж,
Бўлмас қаноат аҳлида ҳар дунёга эҳтиёж. (Огаҳий)*

Йўқ-ман-да фа-қр-ку-йи да-дун-ё-ға эҳ-ти-ёж,
— — V — V — V V — — V — V ~
Бўл-мас-қа но-ат-аҳ-ли да-ҳар-дун-ёға эҳ-ти-ёж.
— — V — V — V V — — V — V ~
мафъ-у-лу фо-и-ло-ту ма-фо-ий-лу фо-и-лон

Вазн ифодаси: **ахраб, макфуф, мақсур** бирлигида «Музориёи мусаммани ахраби макфуфи мақсур» деб ифода этилади.

Музориё баҳри зиҳоф рукнларининг жамланган кўриниши:

1. Мафъ-у-лу + фо-и-ло-тун.

«Ма-фо-ий-лун»дан «ҳарб» - фо-и-лун, фо-и-лундан фо-и-лу = **мафъ-у-лу.**

2. Ма-фо-ий-лу + фо-и-ло-ту + фо-и-лун.

«Ма-фо-ий-лун» «кафф» — **ма-фо-ий-лу,**

«Фо-и-ло-тун» «кафф» — **фо-и-ло-ту,**

«Фо-и-ло-тун» «ҳазф» — **фо-и-лун.**

3. Мафъ-у-лу + фо-и-ло-ту + ма-фо-ий-лу + фо-и-лун.

«Ма-фой-лун» «ҳарб» — **мафъ-у-лу,**

«Фо-и-л-тун» «кафф» — **фо-и-ло-ту,**

«Ма-фо-ий-лун» «кафф» — **ма-фо-ий-лу,**

«Фо-и-ло-тун» «ҳазф» — **фо-и-лун.**

4. Мафъ-у-лу + фо-и-ло-ту + ма-фо-ий-лу + фо-и-лон.

«Ма-фо-ий-лун» «ҳарб» — **мафъ-у-лу,**


«Фо-и-ло-тун» «кафф» — **фо-и-ло-ту,**

«Ма-фо-ий-лун» «кафф» — **ма-фо-ий-лу,**

«Фо-и-ло-тун» «қаср» — **фо-и-лон.**

Саволлар:

1. *Музориъ сўзи қандай маъно англатади?*
2. *Музориъ баҳри қайси асл рукнларнинг қандай такрорига асосланади?*
3. *Навоий ва Бобур ушбу баҳр билан боғлиқ нечта вазнини кўрсатади ва уларнинг нечтасидан кўпироқ фойдаланиб келинган?*
4. *Музориъ баҳрида рукнлар қандай зиҳоф ўзгаришларга учрайди?*



9. Мунсариҳ баҳри (мус-тафъ-и-лун + мафъ-у-ло-ту) зиҳофлари

Мунсариҳ (арабча – осон.) баҳри «мус-тафъ-и-лун» ва «мафъ-у-ло-ту» аслларининг биргаликда такрорланишидан ҳосил бўлади. Навоий бу баҳрнинг 11 та вазнини, Бобур эса 34 та вазнини кўрсатади. А.Ҳожиаҳмедовнинг фикрларига қараганда бу баҳр Навоийгача бўлган шеърятимизда қўлланмаган. Кейинчалик эса бу баҳрнинг икки ўлчовидан нисбатан кўпи-роқ фойдаланиб келинган.

➤ **Муф-та-и-лун + фо-и-лун** (– V V – + – V –). Ушбу рукнлар Мунсариҳ баҳрини юзага келтирувчи «мус-тафъ-и-лун» ва «мафъ-у-ло-ту» аслларининг ўзгаришга учрашидан кейинги ҳосил бўлган зиҳоф руки ҳисобланади. **Муф-та-и-лун** «мус-тафъ-и-лун»нинг «тайй» ўзгариши (**иккинчи чўзиқ ҳижо «тафъ»ни қисқа ҳижога айланиши**)дан юзага келган «мус-та-и-лун» ўрнига қабул қилинган рукн, **фо-и-лун** эса «мафъ-у-ло-ту» аслининг икки ўзгаришга учраши – «кашф» – очиш, (**охирги қисқа ҳижо «ту» туширилади мафъ-у-ло қолади ва ўзига тенг «мафъ-у-лун» олинган ва бу яна «тайй» – йиғиш ўзгаришига дуч келган ва иккинчи чўзиқ ҳижо қисқага айлантирил-гач ҳосил бўлган мафъ-и-лун ўзига тенг «фо-и-лун» билан ифода этилган.**) «тайй» – йиғишдан ҳосил қилинган рукн. **Матвий машкуф** дейилади. Қуйидаги байт шу рукнларнинг такрорига асосланади:

*Сурма биланму ул ой кўзни қаро айламиш,
Йўқса Хўтан жайрани мушк ичинда ағнамиш.* (Навоий)

Сур-ма-би-лан	му-у-лой	кўз-ни-қа-ро	ай-ла-миш,
– V V –	– V –	– V V –	– V –
Йўқ-са-Хў-тан	жай-ра-ни	муш-ки-чи-нда	ағ-на-миш.
– V V –	– V –	– V V –	– V –
<i>муф-та-и-лун</i>	<i>фо-и-лун</i>	<i>муф-та-и-лун</i>	<i>фо-и-лун.</i>

Вазн ифодаси: «Мунсариҳи мусаммани матвийи макшуф».

➤ **Муф-та-и-лун + фо-и-лун + муф-та-и-лун + фо-и-лон** (– V V – + – V – + – V V – + – V –).

Ушбу вазннинг биринчи ва учинчи рукнлари юқорида кўрганимиз «мус-тафъ-и-лун» аслининг матвий тармоғи «муф-

та-и-лун»га, иккинчи рукни «мафъ-у-ло-ту» аслининг **матвийи макшуф** тармоғи «фо-и-лун»га тенг. Охирги рукн «фо-и-лон» эса «мафъ-у-ло-ту» аслининг икки ўзгаришга учраши — «вақф» — тўхтатиш, (**охирги қисқа ҳижодан «у» туширилган мафъ-у-лот қолган ва ўзига тенг мафъ-у-лон олинган ва бу яна «тайй» — йиғиш ўзгаришига дуч келган ва иккинчи чўзиқ ҳижо қисқага айлантирилиши натижаси мафъ-и-лон ва бу фо-и-лон билан ифодаланеди.**) «тайй» — йиғишдан ҳосил қилинган рукн, бу олдинги рукн «фо-и-лун»дан ўта чўзиқлиги билан фарқ қилади. **Матвийи мавқуф** дейилади.

*Бода мени айлади зуҳду риёдин холос,
Зуҳду риё йўқки, минг ранжу анодин холос.* (Навоий)

Бо-да-ме-ни ай-ла-ди зуҳ-ду-ри-ё дин-ха-лос,
 — V V — — V — — V V — — V —
 Зуҳ-ду-ри-ё йўқ-ки, -минг ран-жу-а-но дин-ха-лос.
 — V V — — V — — V V — — V —
муф-та-и-лун фо-и-лун муф-та-и-лун фо-и-лон

Вазн ифодаси: «Мунсариҳи мусаммани матвийи мавқуф».

Мунсариҳ баҳри зиҳоф рукнлари жамланган кўриниши:

1. Муф-та-и-лун + фо-и-лун.

«Мус-тафъ-и-лун»дан «тайй» — мус-та-и-лун = муф-та-и-лун,
 «мафъ-у-ло-ту»дан «кашф» ва «тайй» — фо-и-лун. →

Матвийи машкуф.

2. Муф-та-и-лун + фо-и-лун + муф-та-и-лун + фо-и-лон.

«Мус-тафъ-и-лун»дан «тайй» — мус-та-и-лун = муф-та-и-лун,
 «мафъ-у-ло-ту»дан «кашф» ва «тайй» — фо-и-лун,
 «мафъ-у-ло-ту»дан «вақф» — фо-и-лон.

Таянч сўзлар:

1. *Зуҳд* — дунёдан воз кечмоқ.
2. *Риё* — ёлғон.
3. *Ранжу ано* — азоб уқубат.

Саволлар:

1. Мунсарих сўзи қандай маъно англатади?
2. Мунсарих баҳри қайси асл ружнларнинг қандай такрорига асосланади?
3. Навоий ва Бобур ушбу баҳр билан боғлиқ нечта вазни кўрсатади ва уларнинг нечтасидан кўпроқ фойдаланиб келинган?
4. Мунсарих баҳридаги матвийи машкуф ва матвийи мавқуф зиҳоф қандай қилинади?



10. Сарий баҳри (2 та мус-тафъ-и-лун + 1 та мафъ-у-ло-ту) зиҳофлари

Сарий (арабча – тез) баҳри «2 та мус-тафъ-и-лун» ва «1 та мафъ-у-ло-ту» аслларининг қўшалок такрорланишидан ҳосил бўладиган баҳр ҳисобланади. «Мезон ул-авзон»да бу баҳрнинг 5 та, «Мухтасар»да 17 та вазни кўрсатилади. Шулардан классик шеърятимизда иккитаси кўпроқ қўлланилиб келинган.

➤ **Муф-та-и-лун + Муф-та-и-лун + фо-и-лун.**

(– V V – + – V V – + – V –).

Сарий баҳрининг уш бу кўриниши шеърятимизда анча кенг қўлланилган. «Хамса»нинг биринчи достони, Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулшан ул асрор», Муқимийнинг «Танобчилар» асарлари шу вазнда яратилган. Бу вазнда иштирок этаётган ҳар уч рукн зиҳофлар ҳисобланади. Биринчи рукн **муф-та-и-лун** «мус-тафъ-и-лун» аслининг «тайй» – йиғиш (**мус-тафъ-и-лун аслининг иккинчи чўзиқ ҳижоси «тафъ» қисқа ҳижога айлантирилади**, шунда «мус-тафъ-и-лун» мус-та-и-лун га ўзгаради ва ўзига тенг **Муф-та-и-лун тарзида ифода этилади.**) ўзгаришига, **фо-и-лун** рукни эса «мафъ-у-ло-ту» аслининг матвийи машкуф («машкуф – очиш, бунда «мафъ-у-ло-ту» дан охириги қисқа ҳижо «ту» туширилади ва мафъ-у-ло қолади, бу ўзига тенг «мафъ-у-лун» тарзида ифодаланади. Бунинг ҳам ўз навбатида «тайй» – йиғиш, иккинчи чўзиқ ҳижо «у» ни қисқаришидан «фо-и-лун» ҳосил булган. Шунинг учун икки ўзгариш билан матвийи машкуф дейилади.) ўзгаришига учрашидан ҳосил бўлган.

Одамий эрсанг, демагил одами,

Оники, йўқ халқ ғамидин ғами. (Навоий)

О-да-ми-эр санг,-де-ма-гил о-да-ми,

– V V – – V V – – V –

О-ни-ки,-йўқ ха-лқ-ға-ми дин-ға-ми.

– V V – – V V – – V –

муф-та-и-лун муф-та-и-лун фо-и-лун

Вазн ифодаси: «Сарийи мусаддаси матвийи машкуф».

Ош есалар ўртада сарсон илик,

Хўжа чироқ ёғи Ҳакимжон пилик. («Танобчилар»)

Ош-е-са-лар ўр-та-да-сар сон-и-лик,

– V V – – V V – – V –

Хў-жа-чи-роқ ё-ғи-Ха-ким жон-пи-лик.
 - V V - - V V - - V -
 муф-та-и-лун муф-та-и-лун фо-и-лун

Вазн ифодаси: «Сариғи мусаддаси матвийи машкуф».

➤ Муф-та-и-лун + муф-та-и-лун + фо-и-лон.

(- V V - + - V V - + - V ~).

Бу вазнда Муф-та-и-лун юқорида кўрганимиз «мус-тафъ-и-лун» аслининг «тайй» йиғиш тармоғи, фо-и-лон эса «мафъ-у-ло-ту» аслининг «вақф» – тўхташ ва «тайй» – йиғиш («вақф» – тўхташ, бунда «мафъ-у-ло-ту» дан охирги қисқа ҳижо «ту» туширилади ва мафъ-у-ло қолади, бундан охирги чўзиқ ҳижо «ло» ўта чўзиқ «лон»га ўзгарган, натижада «мафъ-у-лон» ҳосил бўлган. Бунинг ҳам ўз навбатида «тайй» – йиғиш, иккинчи чўзиқ ҳижо «у»ни қисқаришидан «фо-и-лон» ҳосил бўлган. Шунинг учун бу ҳам икки ўзгариш билан матвийи мавқуф дейилади.) ўзгаришларига учрашидан пайдо бўлган.

*Ишқни ҳар кимки қилур ихтиёр,
 Мен каби оламда бўлур хору зор.* (Бобур)

Иш-қ-ни-ҳар ким-ки-қи-лур их-ти-ёр,
 - V V - - V V - - V ~
 Мен-ка-би-о лам-да-бў-лур хо-ру-зор.
 - V V - - V V - - V ~
 муф-та-и-лун муф-та-и-лун фо-и-лон

Вазн ифодаси: «Сариғи мусаддаси матвийи мавқуф».

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, иккинчи вазн олдингисидан охирги рукнлар (аруз ва зарб)нинг ўта чўзиқлиги билан фарқланади. Ана шу яқинлик туфайли улар шеърда ёнма-ён қўлланаверади. Жумладан, «Ҳайрат ул-аброр» достони шу вазнлар бирлигида яратилган бўлиб, дostonдан олинган куйидаги байтларнинг биринчиси матвийи машкуф, иккинчиси матвийи мавқуф вазнидадир.

*Бил муниким, сен дағи бир бандасен,
 Кўпрагидин ожизу афкандасен.*

Бил-му-ни-ким, сен-да-ғи-бир бан-да-сен,
 - V V - - V V - - V -

Кўп-ра-ги-дин	о-жи-зу-аф	кан-да-сен.
— V V —	— V V —	— V —
муф-та-и-лун	муф-та-и-лун	фо-и-лун.

*Эрмас алар туфроғу сен нури пок,
Хилқат аларғау санга — тийра хок.*

Эр-ма-са-лар	туф-ро-ғу-сен	ну-ри-пок,
— V V —	— V V —	— V ~
Хил-қа-та-лар	ға-у-са-нга	тий-ра-хок.
— V V —	— V V —	— V ~
муф-та-и-лун	муф-та-и-лун	фо-и-лон

Маснавий шаклида ёзилган дostonларда уш бу вазнлар турлича, айтайлик 1,2,4 мисралар уларнинг бирида, 3-мисраси иккинчисида ёки аксинча бўлиши мумкин.

Сариъ баҳри зиҳоф рукнлари жамланган кўриниши:

1. Муф-та-и-лун + муф-та-и-лун + фо-и-лун.

«Мус-тафъ-и-лун»дан «тайй» — мус-та-и-лун = муф-та-и-лун,
«Мафъ-у-ло-ту»дан «кашф» — мафъ-у-ло = мафъ-у-лун,
«Мафъ-у-лун»дан «тайй» — мафъ-и-лун = фо-и-лун.

→ **Матвийи машкуф.**

2. Муф-та-и-лун + муф-та-и-лун + фо-и-лон.

«Мус-тафъ-и-лун»дан «тайй» — мус-та-и-лун = муф-та-и-лун,
«Мафъ-у-ло-ту»дан «вақф» ва «тайй» — фо-и-лон.

→ **Матвийи мавқуф.**

Саволлар:

1. Сариъ сўзи қандай маъно англатади?
3. Сариъ баҳри қайси асл рукнларнинг қандай такрорига асосланади?
3. Навоий ва Бобур ушбу баҳр билан боғлиқ нечта вазни кўрсатади ва уларнинг нечтасидан кўпроқ фойдаланиб келинган?
4. Сариъ баҳридаги зиҳоф ўзгаришлар матвийи машкуф ва матвийи мавқуф қандай фарқланади. Уларнинг ҳар иккиси бир шеърда қўлланилиши мумкинми?
5. Ушбу вазнлар бирлигида яратилган қандай асарларни биласиз?

**Аруз вазнидаги вазн ҳосил қилувчи зиҳоф
ўзгаришларнинг шеърятимизда кўп учрайдиган
кўринишлари (ёдда сақлашга қулай
бўлиши назарда тутилди)**

Т А Р Т И Б И:

1. «Харм» (бурнини)дан **Аҳрам**.
2. «Шатар» (айбли қилиш)дан **Аштар**.
3. «Харб» (вайрон қилиш)дан **Ахраб**.
4. «Хатм» (тиш.таг.син)дан **Ахтам**.
5. «Салм» (бузиш)дан **Аслам**.
6. «Сарам» (олд.тиш.синд)дан **Асрам**.
7. «Жабб» (бичиш)дан **Ажабб**.
8. «Залал» (сон.гўштсиз қ-ш)дан **Аззал**.
9. «Шакл» (тушовлаш)дан **Машкул**.
10. «Катъ» (кесиш)дан **Мақтуъ**.
11. «Тайй» (йиғиш)дан **Матвий**.
12. «Тақф» (тўхтатиш)дан **Мавқуф**.
13. «Музол» (этакни қўйиш)дан **Музол**.
14. «Ҳазф» (ташлаш)дан **Маҳзуф**.
15. «Хабн» (қисқартириш)дан **Махбун**.
16. «Қаср» (қисқа қилиш)дан **Мақсур**.
17. «Кафф» (қайтариш)дан **Макфуф**.
18. «Тасбиғ» (тўлдириш)дан **Мусаббағ**.
19. «Қаср» ва «хабн»дан **Махбуни мақсур**.
20. «Ҳазф» ва «хабн»дан **Махбуни маҳзуф**.
21. «Тасбиғ» ва «хабн»дан **Махбуни мусаббағ**.
22. «Катъ» ва «тасбиғ»дан **Мақтуъи мусаббағ**.
23. «Кашф» ва «тайй»дан **Матвийи машкуф**.
24. «Хабн» ва «изола»дан **Махбуни музол**.



РУБОУЙ ВАЗНЛАРИ

Мумтоз шеърятимизда рубоий фаол жанрлардан бўлиб, вазн жиҳатидан бошқа жанрларга қараганда жуда мураккаб хусусиятга эга. Шунинг учун рубоийлар вазнини алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Сабаби рубоийлар кўп тармоқли рукнлар иштирокида яратилади, ҳатто рубоийдаги тўрт мисра тўрт хил вазнда келиши мумкин. Аммо, барча тармоқ рукнлар битта Ҳазаж баҳрига мансуб «мафойилун» асли ва унинг 9 тармоғида яратилиб келинган. Жами 24 ўлчовда бўлиб, 12 тадан икки гуруҳга бўлинади: **мафъ-у-лу** рукни билан бошланувчи **ахраб** ҳамда **мафъ-у-лун** рукни билан бошланувчи **ахрам** тармоқлари бўлиб, **шажара** (дарахт) деб юритилади.

➤ **Ахраб шажараси** – «ма-фо-ий-лун» аслининг «харб» – вайрон қилиш («ма-фо-ий-лун»дан биринчи ҳижо туширилган ва охириги чўзиқ ҳижо қисқага айлантирилган, қолган «фо-ий-лу»га тенг «мафъ-у-лу» олинган)дан ҳосил бўлган «мафъ-у-лу» билау бошлангани учун шу ном билан юритилади. Бу тармоқда мисралардаги

1-рукн:	мафъ-у-лу,			
2-рукн:	<table style="display: inline-table; vertical-align: middle;"> <tr> <td style="padding: 5px;"> ма-фо-ий-лу, ма-фо-и-лун, ма-фо-ий-лун, </td> <td style="font-size: 3em; vertical-align: middle; padding: 0 10px;">}</td> </tr> </table>	ма-фо-ий-лу, ма-фо-и-лун, ма-фо-ий-лун,	}	лардан бирига,
ма-фо-ий-лу, ма-фо-и-лун, ма-фо-ий-лун,	}			
3-рукн:	<table style="display: inline-table; vertical-align: middle;"> <tr> <td style="padding: 5px;"> ма-фо-ий-лун, ма-фо-ий-лу, мафъ-у-лун, мафъ-у-лу </td> <td style="font-size: 3em; vertical-align: middle; padding: 0 10px;">}</td> </tr> </table>	ма-фо-ий-лун, ма-фо-ий-лу, мафъ-у-лун, мафъ-у-лу	}	лардан бирига,
ма-фо-ий-лун, ма-фо-ий-лу, мафъ-у-лун, мафъ-у-лу	}			
4-рукн:	<table style="display: inline-table; vertical-align: middle;"> <tr> <td style="padding: 5px;"> фаъ, фоъ, фа-ал, фа-ул </td> <td style="font-size: 3em; vertical-align: middle; padding: 0 10px;">}</td> </tr> </table>	фаъ, фоъ, фа-ал, фа-ул	}	лардан бирига тенг келади.
фаъ, фоъ, фа-ал, фа-ул	}			

Масалан, мисраларда бу рукнлар қуйидагича келиши мумкин:

Мафъ-у-лу	ма-фо-ий-лун	мафъ-у-лун	фаъ
Мафъ-у-лу	ма-фо-ий-лу	ма-фо-ий-лун	фа-ал
Мафъ-у-лу	ма-фо-ий-лун	мафъ-у-лу,	фа-ул
Мафъ-у-лу	ма-фо-и-лун	ма-фо-ий-лун	фоъ

Навоий қаламига мансуб қуйидаги рубоий келтирганимиз мана шу вазнга айнан мос келади.

Эй-сен-ди	нў-луб-баг-рим	хам-кўк-сум	доғ,
— — V	V — — —	— — —	~
<i>мафъ-у-лу</i>	<i>ма-фо-ий-лун</i>	<i>мафъ-у-лун</i>	<i>фоъ</i>

Кўнг-лум-ў	ту-ул-ўт-га	тў-куб-аш-ким	ёғ.
— — V	V — — V	V — — —	~
<i>мафъ-у-лу</i>	<i>ма-фо-ий-лу</i>	<i>ма-фо-ий-лун</i>	<i>фоъ</i>

Тан-ўл-са	ға-минг-ич-ра	жо-нинг-ға	фи-до,
— — V	V — — V	V — V	V ~
<i>мафъ-у-лу</i>	<i>ма-фо-ий-лун</i>	<i>мафъ-у-лу</i>	<i>фа-ул</i>

Жон-куй-са	му-ҳаб-ба-тинг	да-сен-бўл-ғил	соғ.
— — V	V — V —	V — — —	~
<i>мафъ-у-лу</i>	<i>ма-фо-и-лун</i>	<i>ма-фо-ий-лун</i>	<i>фоъ</i>

Уш бу рубоий мафъулу — ахраб (5 та), мафоийлун — солим (4 та), мафъулун — ахрам (1 та), мафоийлу — макфуф (1 та), мафоилун — мақбуз (1 та), фоъ — азал (3 та), фаул — ахтам (1 та)дан иборат асл ва тармоқ рукнлар иштирокида яратилган.

Ҳазажи мусаммани ахраби солими ахрами азалл,
Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими азалл,
Ҳазажи мусаммани ахраби солими ахтам,
Ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими азалл.

Вазн ифодаси: Ҳазажи мусаммани ахраби ахрами макфуфи мақбузи солими ахтами азалл.

➤ **Ахрам тармоғи** — «мафоийлун» аслининг «харм» бурнини кесиш (ма-фо-ий-лун дан биринчи ҳижо туширилган ва қолган фо-ий-лун га тенг мафъ-у-лун олинган)дан ҳосил бўлган мафъ-у-лун билан бошлангани учун шу ном билан юритилади. Бу тармоқда

1-рукн: мафъулун,

2-рукн: мафъулу,
 фоилун,
 мафъулун } лардан бирига.
 мафоийлун,

3-рукн: мафоийлу,
 мафъулун, } лардан бирига.
 мафъулу,

4-рукн: фаъ, }
 фоъ, } лардан бирига тенг келади.
 фа-ал, }
 фа-ул

Кел-гил-ким, бир-қат-ла у-зо-ринг-ни кў-рай,
 — — — — — V V — — V V ~
мафъ-у-лун *мафъ-у-лу* *ма-фо-ий-лу* *фа-ул*

Ким, -ҳаж-ринг кўп-ур-ди бу-кўк-сим-га ўқ.
 — — — — — V V — — — ~
мафъ-у-лун *мафъ-у-лу* *ма-фо-ий-лун* *фоъ*

Эй-маҳ-ваш ўт-гай-бу сар-каш-лик ҳам,
 — — — — — — — — — —
мафъ-у-лун *мафъ-у-лун* *мафъ-у-лун* *фаъ*

Раҳ-май-лаб бу-қул-ға жа-фо-ни-қил кам.
 — — — — — — V — — — —
мафъ-у-лун *мафъ-у-лун* *ма-фо-ий-лун* *фаъ*

Бу рубоийда мафъулун — ахрам (7 та), мафъулу — ахраб (2 та), мафойилун — солим (2 та), мафойилу — макфуф (1 та), фоъ — азал (1 та), фаул — ахтам (1 та), фаъ — абтар (2 та)дан иборат асл ва тармоқ рукнлар иштирок этган. Мисраларда ушбу рукнлардан қайсилари қатнашган бўлса, вазн ифодаси шунга қараб белгиланади. Масалан, биринчи мисра ахрам, ахраб, макфуф, ахтам вазнли рукнлардан ташкил топган.

1 — Ҳазажи мусаммани ахрами ахраби макфуфи ахтам,

2 — Ҳазажи мусаммани ахрами ахраби солими азалл,

3 — Ҳазажи мусаммани ахрами абтар,

4 — Ҳазажи мусаммани ахрами солими абтар.

Вазн ифодаси: Ҳазажи мусаммани ахрами ахраби макфуфи солими ахтами азалли абтар.

Кўринадики, рубоийларнинг вазнини аниқлашда дастлаб биринчи рукнга эътиборни қаратиш лозим. Чунки, биринчи рукн ахраб (мафъулу) ёки ахрам (мафъулун)га тўғри келишига қараб рубоий қайси шажарага мансублиги аниқланади, сўнгра

ўша шажаранинг вазн хусусиятларидан келиб чиқилган ҳолда аниқлаш мумкин бўлади ва осон кечади.

Саволлар:

1. Рубоий қандай жанр?
2. Вазнда рубоий бошқа жанрлардан қандай фарқланади?
3. Рубоий жанри асосан қайси баҳрга хос қандай рукннинг тармоқларида яратилиб келинган?
4. Рубоий жанри вазнига хос «шажара» нимани англатади?
5. Рубоийлар «мафойилун» аслининг неча тармоғида ва нечта вазнда яратилган?
6. Рубоийлар нечтадан гуруҳларга бўлинади?
7. Ахрам ва Ахраб шажараси дейилиши нимани англатади?



МУСТАҲҚАМЛАШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. «Ҳижо»ларнинг классик шеър ўлчови – «аруз»да ритмик бирлик сифатидаги аҳамияти, турлари ва бўғинлардан фарқли жиҳатларини билиб олинг. Қуйидаги байтни бўғин ва ҳижо-ларга ажратиб фарқли жиҳатларини аниқланг.

*Ёрнинг васли эмас озорсиз,
Гулшан ичра гул топилмас хорсиз.* (Нодира)

*Хоки пойи яхшилар бўл хок бўлмасдан бурун,
Бу қаро ер бағри сенга чок бўлмасдан бурун.* (Ҳувайдо)

2. «Жузв» арузда нимани англатади. «Сабаб», «Ватад», «Фо-сила» жузвларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ўрганинг. Қуйидаги байт вазнини рукнларини жузв жиҳатидан таҳлил қилинг.

*Не балоли чарх экан ушбу дун манга ҳажрдин ватан айлади,
Ватан ичра бор на тириклигим яна дардидин кафан айлади.*
(Увайсий)

3. «Фа-у-лун»нинг «сал» (бузиш) зиҳофи билан ўзгартиринг, «фаъ-лун»ни ҳосил қилинг ва шу асосида қуйидаги байт вазнини аниқланг.

*Арзимни айдим боди сабоға,
Еткурса холим ул дилрабоға.* (Машраб)

4. «Фа-у-лун» аслидан «ҳазф» (ташлаш) усулида «фа-ал» зиҳофини қандай ҳосил қилинишини аниқланг ва шу асосида қуйидаги байт вазнини белгиланг.

*Лабинг сори токим назардур манга,
Ёш ўрнида хуну жигардур манго.* (Навоий)

5. «Фа-у-лун» аслидан «қаср» (қисқа қилиш) усули билан «фа-у(в)л» зиҳоф кўриниш ясанг ва шу асосида қуйидаги байт вазнини аниқланг.

*Мени ишқдин манъ этар сода шайх,
Дема сода шайх, айтким лода шайх.* (Навоий)

6. «Фа-у-лун» аслидан «сарам» (олд тишини синдириш) йўли билан «фаъ-лу» зиҳофини ясанг ва тушунтиринг.

*Ишқ ғамидин асру хазинмен,
Сабр комидин асру ғаминмен.* (Бобур)

7. Ҳазаж баҳрини қандай ҳосил бўлишини билиб олинг ва қуйидаги байт вазнини аниқланг.

*Ажаб мажнун эрурман дашт ила сахроға сиғмамдур,
Дилим дарёйи нурдур маъж уриб дунёға сиғмамдур.* (Машраб)

8. «Ма-фо-ий-лун»дан «ма-фо-ий-лон» зиҳофи қандай яса-лишини тушиниб олинг ва шу асосида қуйидаги байт вазнини аниқланг.

*Қаро зулфинг фироқида паришон рўзгорим бор,
Юзингинг иштиёқинда не сабру не қарорим бор.* (Бобур)

9. «Ма-фо-ий-лун» аслидан «харм» (бурнини кесиш) усу-лида ҳосил қилинган «мафъ-у-лун» зиҳофини тушунтиринг ва шу асосида қуйидаги байт вазнини аниқланг.

*Меҳнату аламларға мубтало Увайсийман,
Қайда дард эли бўлса ошно Увайсийман.* (Увайсий)

10. «Ма-фо-ий-ун» аслидан «харб» (вайрон қилиш) йўли билан ҳосил қилинадиган «мафъ-у-лу» зиҳофи қандай бажарилади.

*То юзин туда курдум, бўлмиш манга ком уйқу,
Лекин ғамидин бўлмиш кўзимга ҳаром уйқу.* (Навоий)

11. «Ма-фо-ий-ун» аслидан «ҳазф» (ташлаш) йўли билан ҳосил қилинадиган «фаулун» зиҳофи қандай ҳосил қилинишини би-либ олинг ва шу асосда қуйидаги байт вазнини аниқланг.

*Фироқингга мени солди қароқинг,
На ҳожат қийнаса эмди фироқинг.* (Лутфий)

12. «Ма-фо-ий-ун» аслидан «қаср» (қисқа қилиш) йўли билан ҳосил қилинадиган «ма-фо-ийл» зиҳофи қандай ҳосил қилинишини билиб олинг ва шу асосда куйидаги байт вазнини аниқланг.

*Ажалнинг дастидан юз доду фарёд,
Ки, умрим ҳосилин берди барбод.* (Нодира)

13. Рамал баҳрини қандай ҳосил бўлишини билиб олинг ва куйидаги байт вазнини аниқланг.

*Бир пари мен телбаки ҳусниға мойил қилғудектур,
Кузум ичра ер тутуб, кўнглимда манзил қилғудектур.* (Бобур)

14. «Фо-и-ло-тун» аслидан «хизф» (ташлаш) йўли билан «фо-и-лун» зиҳофини ясанг ва ва шу асосида куйидаги байт вазнини аниқланг.

*Давлатинг боридадурлар барча олам ошно,
Қайтгач давлат жахонда кам топилур ошно.* (Мунис)

15. «Фо-и-ло-тун» аслидан «шакл» (тушовлаш) усулида «фалоту» зиҳофини ясанг ва изохланг.

*Кечалар эмас фалакни ёруғ айлаган сетора,
Чиқар оҳим оташидин неча шарора.* (Фурқат)

16. «Фо-и-ло-тун» аслидан «хабн» (қисқа қилиш) усулида «фа-и-ло-тун» зиҳофини ясанг ва қандай аталишини айтинг.

*Паҳлавон эрди менгинг ёриму бир шўх Анисим,
Бири улдию бири идти, Ишим бўлди таассуф.* (Навоий)

17. «Фо-и-ло-тун» аслидан «қаср» (қисқа қилиш) усулида «фо-и-лон» зиҳофини ясанг ва қандай аталишини айтинг.

*Кеча ойдин, мавжли денгиз, куй тўкар бедор сарв,
Ой келиб сарв узра кўнди, бўлди ойрухсор сарв.* (Э.Воҳидов)

18. Ражаз баҳрини қандай ҳосил бўлишини билиб олинг ва қуйидаги байтлар вазнини аниқланг.

*Бир кун мени ул қотиле мажнуншиор ўлтурғиси,
Усрук чиқиб жавлон уриб девонавор ўлтурғиси.* (Навоий)

*Бир танга сотқай бир қурут,
Инсофи йўқ таррор экан.* («Танобчилар»)

19. «Мус-тафъ-и-лун» аслидан «тайй» зиҳофи билан ўзгаришга учраган «муф-та-и-лун» зиҳофини қандай ясалишини билиб олинг ва шу асосда қуйидаги байт вазнини аниқланг, ифода этинг.

*Қошиға борғали кўнгул ўзига келмади нетай,
Юзини кўргали кўзум кўзига илмади нетай.* (Бобур)

20. «Мус-тафъ-и-лун» аслидан «хабн» зиҳофи билан ўзгаришга учраган «ма-фо-и-лун» зиҳофини қандай ясалишини билиб олинг ва шу асосда қуйидаги байт вазнини аниқланг, ифода этинг.

*Кўздин тўкилди қон ёшим, мен мубтало қайга борай,
Раҳм айламас ул махвашим мен мубтало қайга борай.* (Огаҳий)

21. «Мус-тафъ-и-лун» аслидан «изола» зиҳофи билан ўзгаришга учраган мус-тафъ-и-лон» зиҳофини қандай ясалишини билиб олинг ва шу асосда қуйидаги байт вазнини аниқланг, ифода этинг.

*Лутф айлаб, эй пайки сабо, ҳолимни султонимга айт,
Яъники, жоним дардини ишқида жононимга айт.* (Огаҳий)

22. «Мус-тафъ-и-лун» аслидан «тайй» ва «хабн» зиҳофи билан ўзгаришга учраган «ма-фо-и-лун» зиҳофини қандай ясалишини билиб олинг ва шу асосда қуйидаги байт вазнини аниқланг, ифода этинг.

*Эй бегим, Ушбу юз дегул, шамс била қамармудур?
Эй бегим, Ушбу сўз дегул, шахд била шакармудур?* (Ототий)

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Навоий. «Мезон ул-авзон». Асарлар. 15 томлик, Ф.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т. 1967 й.
2. Бобур. «Мухтасар» Т. «Фан» 1978 й.
3. Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. «Шарқ» нашриёти. Т. 1998 й.
4. Ҳожиаҳмедов А. Мактабда аруз илмини ўрганиш. Т. 1995 й.
5. Ҳожиаҳмедов А. Аруз назарияси асослари. ТошДУ нашриёти. 1982 й.
6. Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. Т. «Фан», 1985 й.
7. Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. Т. «Фан», 1972 й.
8. Рустамов А. Ҳабибий шеърларининг вазни. Адабий мерос. Т. 1971 й. 2-сон.
9. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. Т. 1979 й.
10. Аъзамов А. Аруз. А.Навоий номидаги давлат кутубхонаси. Т. 2006 й.
11. Фитрат. Аруз ҳақида рисола. Т. «Ўқитувчи», 1997 й.
12. Ҳасанов С. Бобурнинг «Аруз рисоласи асари». Т. «Фан», 1981 й.
13. Султонов И. Адабиёт назарияси. Т. «Ўқитувчи», 1980 й.
14. Бобоев Т. Аруз вазнини ўрганиш. Т. 1991 й.
15. Бобоев Т. Шеър илми таълими. Т. «Ўқитувчи», 1996 й.
16. Адабий тур ва жанрлар. 3 жилдлик, 2-жилд, Т. «Фан», 1992 й.
17. Навоийнинг нигоҳи тушган. Т. 1986 йил.
18. Ҳаёт васфи. Ўзбек адабиёти бўстони. Т. 1988 йил.



МУНДАРИЖА

1. Муқаддима	3
2. Аруз шеър ўлчовининг муҳим назарий асослари	5
3. Жузв ва ҳижоларнинг характер хусусиятлари	11
4. Рукнлар, уларнинг ҳосил бўлиши ва турлари	17
5. Баҳрлар, уларнинг ҳосил бўлиши ва турлари	25
6. Зиҳоф ва тармоқ рукнлар, уларнинг ҳосил бўлиши	33
7. Ўзбек шеърлятида кенг қўлланган баҳрларнинг зиҳоф кўринишлари	39
8. Рубоий вазнлари	82
9. Савол ва топшириқлар	86
10. Адабиётлар руйхати	90

❧*❧

Илмий нашр

КЛАССИК ШЕЪР ЎЛЧОВИ

Тошмурод Бўриев



Мусахҳиҳ: С.Алимбоева
Расом: Ш.Одилов
Техник муҳаррир: Ф.Қодиров

Босишга рухсат этилди 14.02.2008. Бичими 60x84 1/16. 6 шартли босма табоқ.
Нашр табоғи 5,75. Офсет босма. 28-рақамли буюртма. Адади 800.
Баҳоси келишув асосида.

ХТ «Ҳамидов Н.Х.» матбаа корхонасида чоп этилди.
Мирпўлатова кўчаси, 36-уй. Тел.: 111-04-89